

O'ZBEKISTON ISSN 2475-0124 QISHLOO VA SUV XO'JALIGI

№9. 2019

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БУЛ ОМОН!



*Атти сангиндан тизар,
асрар сакх ва суи ҳўннинг
ас ҳўннингдан тизар!
Биринчи вакин 28 сангиндан
Истиқлол байрами билан
қизил муқорикбод динини,
Хиритларини биринчи,
турмушини ланиди
фароқ, бос турмонларини
офити-сочин бўлсин!*



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Мана шу қувончли айёмда сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислон Абдуганиевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди.

Бугун ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустақкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган устувор ғоя биз учун дастурийлашган бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунаимиз.

Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, биз ўз олдимизга қўйган ана шундай мақсадлар сари изчил қадам қўймоқдамиз.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнаткаш, заҳматкаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгил қилишдан иборатдир.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуғ мақсадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай марраларга фақат тинимсиз, оғир ва фидокорона меҳнат билан эришилади.

Шу мақсадда сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар олиб берилмоқда. Бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан, миришкор фермер ва деҳқонларимиз мардона меҳнат қилиб, кўплаб соҳаларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча деҳқон ва фермерлар, дала меҳнатқиларини халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида эришаётган катта ютуқлари билан самимий табриклашни ўз бурчим, деб биламан.

Азиз дўстлар!

Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланимоқда. Бу борада “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”,

“Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби дастурларимиз аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида юзлаб туман, шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланмоқда.

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳам сизларга яхши маълум.

Биз умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик. **Мактаб таълимини ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.**

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланимоқда. Фақат кейинги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сони 112 га етди. Буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда кўплаб янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оилавий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кейинги йилларда **кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмоқда.** Бу борада Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги, Ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш биз учун энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойиҳаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди.

Узоқ вақт давомида ўткир муаммо бўлиб келган аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали катта муваффақият билан ўтказилди. Қуни кеча Самарқанд шаҳрида юксак савия ва баланд руҳ билан ўтказилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бетакрор мумтоз санъатимизни яна бир марта дунёга намоён этди. Сентябрь ойида эса Қўқон шаҳрида илк бор Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказамиз.

Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни чин юракдан ҳурмат қилиш, виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга алб ботадан хизмат қилиш деганидир.

Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича мустақил сиёсатини қатъий давом эттирмоқда ва бу сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда маҳбусларни афв этиш институти жорий этилди. Кейинги уч йилда етти марта афв эълон қилинди. Натижада қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингга яқин маҳбус жазони ўташ жойларидан озод этилди.

Куни кеча афв этиш ҳақидаги яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра жазо муддатини ўтаётган 65 нафар фуқаро афв этилди.

Тасаввур қилинг, ўз уйига, яқинлари бағрига қайтаётган бу инсонларнинг, уларнинг ота-онаси, фарзандларининг қувончи, хурсандчилигини “ойнаи жаҳон” орқали кўрган одам, бу ҳақиқатан ҳам эзгу ва савобли иш эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Мустақиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Жаслиқ қўргонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани инсонпарвар сиёсатнинг яна бир ифодаси бўлди.

Бу тарихий қадам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуксиз жараён эканини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намоён этмоқда.

Чет элларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустаҳкамланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган фуқароларимиз учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 156 нафар ватандошимиз – асосан аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлар давом этаётган Суриядан қайтариб олиб келинди ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиш халққа ҳам, Худога ҳам манзур бўлади. Мана шундай эзгу фазилатлар бизнинг бағрикенг халқимизни янада улуғлайди.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ҳам фаол ва самарали фаолият олиб бормоқда. Узоқ ва яқиндаги барча давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора кенгайиб, ривожланмоқда.

Аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари билан борди-келди қилишлари учун барча шароит яратилди.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган мулоқотларда фаол иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда, юртимизнинг дўстлари ва ҳамкорларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳ бўлиб келаётган, бугунги тантанада иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига самимий ҳурмат ва миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳаётимизда тинчлик-тотувлик, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб бормоқда. Биз буни барча ислохотларимизнинг кафолати, энг муҳим натижаси, деб биламиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ислохотларимиз, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилгани туфайли жамиятимизда очикчилик ва эркинлик муҳити тобора кучайиб бормоқда.

Одамлар ташаббус кўрсатиб, нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчиликнинг дарду ташвишларини ҳал қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганмоқда.

Биласизлар, мен мамлакатимиз бўйлаб жуда кўп сафарларда бўламан. Жойларда, олис туман, қишлоқ ва овулларда бўлиб, янги-янги иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни жорий этишга, одамлар нима билан яшашпти, уларнинг аҳволи, кайфияти қандай эканини яқиндан билишга, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш учун ёрдам беришга интиламан.

Мана шундай очик, самимий мулоқотлар асосида бугун

халқимиз билан кўп-кўп мураккаб, муҳим масалаларни биргаликда ҳал қилмоқдамиз. Ва бу одамларимиз қалбида келажакка ишонч уйғотиб, уларни янги, улкан марралар сари руҳлантирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу – бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Шу улуг айёмда ҳар қандай оғир синов ва машаққатларда ҳам Ватанимиз мустақиллигини асраб, унинг барқарор тараққиётини таъминлаб келаётган мард ва бағрикенг халқимизга ҳалол ва фидокорона меҳнати, истиқлол ғояларига садоқати учун чуқур таъзим қиламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қилиш учун, аввало, бирлик, ҳамжиҳатлик зарур.

Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак. Шунинг учун “**Жаҳолатга қарши – маърифат**” деган фикрда катта маъно бор. Бу ғоя фақат диний тарбия билан боғлиқ ишларда эмас, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳар бир масалани маърифат асосида чуқур ўйлаб, халққа ҳурмат билан, тақдор ва тақдор айтаман, одамлар фикрини инobatга олиб, фақат қонун ва адолат мезонига таянган ҳолда ҳал этсак, эл-юртимиз биздан албатта рози бўлади.

Бугун замон ўзгарди. Энди ҳаммамиз эркинлик, очиклик, ошкоралик шароитида ишлашга ўрганишимиз лозим. Барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамоқда.

Даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар куни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.

Бизнинг томирларимизда улуг аждодларимизнинг қони оқмоқда. Буюк боболаримизнинг муносиб издошлари ва давомчилари бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшилиасиз.

Ўз Ватанини, она халқини равнақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.

Шу кунларда ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, барчага намуна бўлаётган юртдошларимизга марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари тантанали равишда топширилмоқда.

Эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб, халқимиз ўртасида катта обрў-эътибор топган ана шундай ватандошларимизни ўз номидан, сизларнинг номингиздан самимий табриклаб, эзгу тилакларимизни билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

Бугун бир фикрни қатъият билан таъкидлашни зарур, деб биламан: Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.

Биз мана шу ёруғ кунлар учун курашиб, жон фидо этган ота-боболаримизнинг ҳаққи-ҳурмати, 33 миллионлик халқимизнинг ҳаққи-ҳурмати, бизга умид ишонч кўзи билан бақиб турган болаларимиз, набираларимизнинг ҳаққи-ҳурмати – мустақиллик ва истиқлол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз!

Ўз мақсадларимизга албатта етамиз – келажаги буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо етамиз!

Қадрли ватандошлар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, олдимизда катта сиёсий воқеа турибди. Шу йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади.

Бу сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтаришда яна бир муҳим амалий қадам бўлади.

Бу сайловлар бутун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беради, деб ишонаман.

Бугунги кунда қанча-қанча билимли, нуфузли хорижий университетларда таҳсил олган, чет тилларни, замонавий бошқарув

усулларини яхши биладиган навқирон ёшлар ҳаётимизга кириб келмоқда.

Улар бизнинг умидимиз, эртанги кунимиз. Шунинг учун ёшларга кенг йўл очиб бериш, эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш, уларга масъул лавозимларни ишониб топшириш бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимизнинг ана шундай юксак эътиборига муносиб бўлиб, ўз салоҳияти билан, миллий ғоямизга садоқати билан Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этишларига ишонаман ва бу йўлда уларга бахт

ва омад тилайман.

Муҳтарам ватандошларим!

Сизларни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан сამимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин, фарзандлар, набираларнинг бахту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, жонажон Ўзбекистонимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

МУКОФОТ МУБОРАК!

Мустақиллигимизнинг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий, жумладан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонлари эълон қилинди. Мазкур Фармонларга асосан ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Биз ҳам кўп сонли журналхонларимиз номидан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган ҳамкасбларимизни муборакбод этамиз.

«Ўзбекистон Қаҳрамони»

Муротова Лола Неъматовна - Фарғона вилояти Олтиариқ тумани «Нурли обод» фермер хўжалиги бошлиғи

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Курбанова Нархал - Пахтачи туманидаги «Фаллакор» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Мирзақулов Умнатқул Маматқулович - Тошкент вилояти «Уғом-Чотқол» давлат миллий табиат боғи бош директори

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Асадов Файзулло Бўрикулович - Сурхондарё вилояти «To'palang HPD Building» унитар корхонаси директори

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Вахабов Аброл Джабарович - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси

Марупов Бахтиёр Махмудович - Тойлоқ туманидаги «Сиёб Шавкат Орзу» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаев Абдушукур Хамидович - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси

Джалолов Шавкат Амонович - «Agromir group» ассоциацияси директорлар кенгаши раиси, Самарқанд вилояти

Максудов Алишер Ирқиневич - «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Нусратов Тўрақул Умурқулович - Миришкор туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қашқадарё вилояти

Рахимова Анбар - Хонқа туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Хоразм вилояти

Тахиров Дилшод Насирджанович - Зангиота туманидаги

«Агровер» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

Темиров Жобир Жамолович - Қизилтепа туманидаги «Янги аср» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Шукирбердиев Токтаамис Оспанович - Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги бош ўрмонбегиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Истамов Садулло - Навоий вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Умаров Халимжон Комилович - Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Ахмадали - Улуғнор туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Андижон вилояти

Атабаев Бобир Батирович - Учтепа туманидаги «Манзарали гуллар ва дарахтлар» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

Базарбаев Равшанбек - Мирзаобод туманидаги «Сирдарё момиқ куёнлари» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Саидов Закиржон Абдусаламович - Булоқбоши туманидаги «Шаҳзодаҳон Саидова» асаричилик деҳқон хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Сайидов Нусрат Рўзиевич - Пешку туманидаги «Пешку лимончилик равнақи» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Хайитмуродова Гулчера Мавлановна - Нарпай туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Самарқанд вилояти

Холиқов Фарҳод Раҳматиллаевич - Хатирчи туманидаги «Хатирчи томорқа хизмати» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Юсупов Баходир Оманкулович - Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республиканинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш, олиб борилаётган ислохотлар ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, стандартлаш ҳамда агробизнес йўналишида консалтинг, маркетинг хизматларини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга асосланган интенсив агросаноат тизимини ташкил қилиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва аграр соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва «Ўзбекизоқиқовқатҳолдинг» ХК томонидан **Ўзбекистон Республикасида 2019 – 2021 йилларда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш мақсадида** ишлаб чиқилган:

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини қайта ишлаш ва экспорт қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

хорижий кредит линиялари ҳисобидан йирик агрологистика комплексларини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

замонавий агрологистика марказларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ;

импорт ўрнини босувчи кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлардаги самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этишнинг мақсадли параметрлари 6-иловага мувофиқ;

республика ҳамда ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари ҳузуридаги синов лабораторияларини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 7-иловага мувофиқ;

қабул қилинадиган озиқ-овқат саноати соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати 8-иловага мувофиқ;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича «Йўл харитаси» (бундан буён – «Йўл харитаси») 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, **Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва «Асака» АТБ** ҳамда бошқа тижорат банклари билан биргаликда жалб этилаётган қуйидаги манбалар ҳисобидан:

а) мазкур қарорнинг 2 – 5-иловаларига мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ва чора-тадбирларга тегишлилиги бўйича:

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари қўшма инвестиция компанияси маблағлари;

Жаҳон банкининг кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва рақобатбардошликни ошириш учун **200,0 миллион АҚШ доллари** ҳамда кишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш учун **200,0 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағлари;

Осиё тараққиёт банкининг йирик замонавий агрологистика комплексларини ташкил этиш учун **347,0 миллион АҚШ доллари** ва чорвачиликни ривожлантириш учун **150,0 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағлари;

Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун **200,0 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағлари;

Франция ривожланиш агентлигининг чорвачиликни ривожлантириш учун **170,0 млн АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағлари;

Халқаро кишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг кишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш учун **46,6 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағлари;

б) мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган синов лабораторияларини модернизация қилишга Жаҳон банкининг **6,2 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағларининг йўналтирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Осиё тараққиёт банки иштирокида **“Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш”** лойиҳасини амалга ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қилсин:

лойиҳанинг умумий қиймати **244,75 млн АҚШ доллари**, шу жумладан Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари **197,0 миллион АҚШ доллари**, Ўзбекистон Республикасининг улуши солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш ва бошқа сарф-харажатларни инвестиция даврида молиялаштириш эвазига жами **47,75 миллион АҚШ доллари** эквивалентини ташкил этиши;

Кишлоқ хўжалиги вазирлигини лойиҳанинг буюртмачиси ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини эса унинг ижро этувчи органи этиб белгилаш;

Осиё тараққиёт банки билан имзоланган қарз битими ва лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини бериш ҳамда лойиҳанинг амалга оширилишини тезлаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки ўртасида имзоланадиган молиялаштириш тўғрисидаги қарз битими юзасидан белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

5. **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳи** (бундан буён – Ишчи гуруҳ) 10-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унга мазкур қарорнинг 2 – 9-иловаларида назарда тутилган инвестиция лойиҳалари ва тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш, лойиҳа ташаббускорлари билан бирма-бир учрашиб, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиш ҳамда уларнинг муддатида ва сифатли амалга оширилишини мониторинг қилиш вазифаси юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур қарор иловаларига мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари учун зарур ер майдонлари ва бўш бинолар ажратилишини ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш масалаларини ҳал этсин.

Ишчи гуруҳи (Б. Ходжаев) мазкур қарор ижросининг бориши юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот қиритиб боради.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:**

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари секторида юқори қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш мақсадида экинларни жойлаштириш ва қайта ишлашнинг самарали инфратузилмасини яратиш;

маҳсулотларни йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш, ички ва ташқи бозорга етказиб бериш борасида хизмат кўрсатувчи замонавий агрологистика комплекслари ва марказлари тизимини шакллантириш;

агрологистика комплекслари ва марказларини жойлаштириш, қуриш, уларни бошқариш бўйича компанияларни ташкил этиш;

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда агрологистика комплекслари ва марказларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовларни ўтказиш имкониятига эга бўлган лабораториялар, божхона терминаллари ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш;

кооперация иштирокчилари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрокластерлар ва қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини яратилган агрологистика комплекслари ва марказлари фаолиятига кенг жалб қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

б) **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:**

1-иловага мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига эришиш учун амалга ошириладиган ишларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг муддатида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

в) **“Ўзбекизоқовқатхолдин” ХК:**

мазкур қарорнинг 5-иловасида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан қоралар кўради;

импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича ишларни тизимли ташкил этади.

7. **2019 йил 1 августдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки,** унга мувофиқ:

а) **қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчиларнинг маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича харажатлари** «Ўзстандарт» агентлигининг асослангандиган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг **Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади;**

б) **қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари** бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** маблағлари ҳисобидан:

миллий валютада, қиймати 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида жалб қилинадиган кредитлар бўйича – 5 фоизли пункт миқдорида;

хорижий валютада, қиймати эквивалентда 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда жалб қилинадиган кредитлар бўйича – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 4 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун **компенсация берилади;**

кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 млрд. сўмдан ошмаган миқдорда **кафилликлар берилади;**

в) мазкур қарорнинг 6-иловасига мувофиқ самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 7-бандининг «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қоралари татбиқ этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Самарқанд, Андижон, Тошкент, Фарғона, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ҳудудларда барпо қилинадиган йирик агрологистика комплекслари учун ер майдонларини ажратиш, агрологистика комплексларини муҳандислик, йўл ва транспорт инфратузилмаларига уланишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин;

Бухоро ва Хоразм вилояти ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Бухоро ва Хоразм вилоятларида йирик агрологистика комплексларини барпо этиш учун халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб этиш қораларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан **кооперация бирлашувини жорий қилиш бўйича Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Зомин туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Ургут туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Қўва туманларида, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Паркент туманларида ўтказилган тажриба-синовларнинг ижобий натижаларига кўра мазкур**

тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида оммалаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш (сотиш бўйича хизмат кўрсатиш), таъминот, боғдорчилик, томорқа, чорвачилик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатувчилар томонидан аъзолик бадаллари (пайларни) киритиш асосида ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари субъектлари сонини ошириш, уларга кенг имконият ва қўшимча қулайликлар яратиш мазкур соҳадаги устувор йўналишлар деб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар ва уюшмалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида аҳоли, томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги кооперация бирлашмаларини ташкил қилиш, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритишни кенг жорий қилиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

2019 йил 1 октябрга қадар боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлашнинг аниқ манбаларини кўзда тутган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва уларнинг аъзоларига давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг таъсирчанлигини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги: 2019 йил 1 сентябрга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, халқаро бозорларда «ўзбек сифати» белгисини янада мустаҳкамлаш ва унга эътиборни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин; давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланган ҳолда қуриладиган агрологистика комплекслари ва марказларида замонавий сақлаш жойлари, шу жумладан тез бузиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мақбул ва узоқ сақлашга мўлжалланган музлатиш омборлари ва термо-режим омборлари, транспорт парки, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш учун уларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ калибрлаш, қадоқлаш ва маркировкалаш учун ускуналарнинг мавжудлиги, маҳсулот ва уни етиштириш агротехнологик жараёнининг сифат кўрсаткичлари мувофиқлигини текшириш учун лаборатория мавжудлигига эътибор қаратсин.

12. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда:

мазкур қарорнинг 8-иловасида назарда тутилган ҳужжатларни асли ёзилган тилларда қабул қилиш;

халқаро стандартларни давлат тилига таржима қилиш орқали давлат фондига киритиш ишларини Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва 2019–2021 йилларда тенг улушларда **4,5 миллиард сўм** маблағ ажратиш;

2019 – 2021 йилларда ҳудудларда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовларни ўтказиш имкониятига эга бўлган лабораторияларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

2019 йил 1 ноябрга қадар Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Наманган ва Бухоро вилоятлари ҳудудий инспекцияларини бино билан таъминлаш ва замонавий халқаро лаборатория талабларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозлаш;

марказий карантин лабораторияси ҳамда Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудий инспекцияларининг замонавий лаборатория биноларини қуриш ишларини 2020 йил 1 апрелга қадар якунлаш;

2020 йил 1 сентябрга қадар **марказий карантин лабораториясини халқаро аккредитациядан ўтказиш;**

2020 йил 1 ноябрга қадар марказий ва ҳудудий карантин инспекцияларини **қўшимча 5 та сайёр (мобиль) лабораториялар билан таъминлаш** чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПҚ-3818-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2-иловадан «8418 69 000 9» ва «8415 81 001 0» позициялар чиқариб ташлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда 2019 йил 1 октябрга қадар **“agroonline.uz” ахборот тизими** негизида:

аҳоли хонадонлари, деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари дала-ларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари ва ҳажмлари бўйича электрон маълумотлар базасини;

тайёрлов корхоналари, сақловчи, қайта ишловчи, экспорт қилувчи ташкилотлар ва бошқа харидорларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини маҳсулот турлари ва ҳажмлари бўйича ягона электрон ахборот тизимини;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва улгуржи харидорлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда шартномавий муносабатларни (контракция) электрон тижорат шаклида ташкил этиш тизимини ишлаб чиқиб, жорий этилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 июль.

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

Заминимиз заргарлари ҳисобланган сув ҳўжалиги
ходимлари номидан мамлакатимиз аҳлини

Мустақиллигимизнинг 28 йиллик айёми

билан табриклайди.

Истиқлолимиз шарофати ила тобора гуллаб-яшнаётган
жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида амалга ошираётган
улкан бунёдкорлик ишларида бахт-омад ва куч-ғайрат тилайди.



Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ислохотлар ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабаларда мустақил равишда янги билимларни эгаллаш кўникмасини шакллантиришга имкон яратди.

Шу билан бирга, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграцияси, кадрлар тайёрлашда аграр соҳа тармоқларини билан яқин ҳамкорликни кучайтириш, илмий-тадқиқот натижаларини тарғиб ва жорий қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сон “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқларида малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент давлат аграр университети (кейинги ўринларда – Университет) ва унинг филиалларида қишлоқ хўжалиги таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигида **инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, “аклли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни** жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, **юқори унумли ва ресурстежамкор илгор технологиялар соҳасидаги билимларни шакллантиришга қаратилган вазибаларни акс эттириш;**

хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этиш;

илмий-тадқиқот институтлари, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида **фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ҳақи бориш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;**

Университет ва унинг филиаллари ахборот-маслаҳат марказлари (**extension center**) орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича **“ахборот – маслаҳат маркази – кафедра – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси”** тизимини жорий этиш;

профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар ва талабаларнинг **инновацион технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш борасидаги ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш;**

ўқув машғулоти, малакавий амалиётларни ўтишда талабаларни инновацион ва янги фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда интерфаол услубларни, шу жумладан, **талабаларнинг мустақил изланишини таъминловчи механизмларни кенг жорий этиш;**

қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг узвий тизимини яратиш, бириктирилган **академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш.**

2. Қуйидагилар:

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича **“йўл харитаси”** 1-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиладиган янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларидаги таълим йўналишлари, мутахассисликларига бириктириладиган илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазибалари этиб қуйидагилар белгилансин:

маъмурий бўйсунушидан қатъий назар қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича изланишлар олиб бораётган, кадрлар тайёрловчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илгор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминлаш.

Белгилансинки, Университет қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори малакали илмий-педагог кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

тажриба-синов тариқасида Университетнинг 5411500 – **Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини бакалаврият таълим йўналишида таълимнинг кредит тизимини босқичма-босқич жорий этиш;**

Университетнинг **2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иқтидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурлари асосида ўқитиладиган махсус гуруҳлар ташкил этиш.** Бунда давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиладиган;

қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларнинг мавсумийлигини инобатга олиб, диссертацияларда икки йиллик илмий-амалий дала тажрибаси натижаларининг қамраб олинишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги магистратура мутахассисликлари ўқув жараёнини **январь ойидан бошлаб** тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Бунда таълимнинг кредит тизимида талабалар учун **ҳафтада беш кунлик ўқиш** ҳамда **ҳафтанинг шанба кuni** мустақил ўзлаштириш кuni деб белгилансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан унинг асосланган тақлифлари асосида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишлаб чиқилган Давлат таълим стан-

дартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини тасдиқлаш ҳамда ўқув жараёнига босқичма-босқич жорий этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Университет ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилари ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий-методик ишлардан ташқари вазирлик ҳамда идораларнинг бошқа ишларига жалб этилмайди, шартнома доирасида кўрсатиладиган хизматлар бундан мустасно.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Тошкент давлат аграр университети ва Нукус, Андижон, Термиз филиаллари тузилмасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқлашнинг таъминласин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиалини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;**

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежлари негизда олий таълим тизими билан интеграциялашган **олий мактаблар** ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2020 йил 1 августга қадар олий мактабларни тамомлаган битирувчилар учун бакалавриятнинг 3 йиллик махсус таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Университет ва унинг филиаллари талабаларининг малакавий амалиётлари етакчи қорхона, ташкилот ва қишлоқ хўжалиги клас-терларида сифатли ўтказилишини таъминласин ва мониторингини олиб босин;

икки ой муддатда агросаноат жаммуи таркибидаги қорхона, ташкилот ва муассасаларни раҳбар кадрлар билан таъминлаш мақсадида Университетда **“Агробизнес ва бошқарув”** йўналишида захира кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

бир ой муддатда Университет ва унинг филиалларида кириш учун белгиланган қабул чегарасидан кам балл тўплаган абитуриентлар учун оширилган тўлов-контракт меҳдори **икки бараварга** камайириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига таклиф киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, **олий мактабда:**

ўрта махсус, касб-хунар таълими даражасида кундузги, кечки ва ширтки таълим шаклларида кадрлар тайёрланади ва олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари билан интеграциялашган **кичик бакалаврлар** (Associate degree) тайёрлаш бўйича таълим дастурлари амалиётга жорий этилади;

кичик бакалавр (Associate degree) таълим дастурларини тамомлаган битирувчилар **2023/2024 ўқув йилидан** бошлаб мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш синовларисиз суҳбат ўтказиш орқали бакалаврлар тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқиш тугаганидан сўнг тақсиротга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда Университет ва унинг филиалларига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади;

фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, вазирлик, идоралар, йирик иш берувчилар ҳамда буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари ва ўқувчиларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобланади;

яқуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчиларга давлат намунасидаги диплом ва тегишли касблар бўйича белгиланган тартибда разрядлар берилади;

ўқувчиларни қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, ташаббускорлар маблағлари ҳисобига Университет ва унинг филиалларида **“Кичик инновацион қорхона”**ларни **тажриба-синов тарикасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

9. Университет:

хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида синовдан ўтган тажрибаларни ўрганган ҳолда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Университетда **раҳбар кадрлар ҳамда профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлигининг баҳолаш тизимини** жорий этсин;

уч ой муддатда Университетни **2025 йилга қадар** дунёнинг нуфузли **1000 та** олий таълим муассасалари рўйхати (QS рейтинг тизими)га киритиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этсин;

бир ой муддатда Университет ва унинг филиаллари уставлари тасдиқлашнинг ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** университетнинг 5411500 – Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини таълим йўналишида таълимнинг кредит тизимини жорий қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлашнинг таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда тажриба-синов тарикасида Агробиология факультетини** Тошкент давлат аграр университети таркибига мустақил фаолият юритадиган юридик шахс сифатида ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Университет ва унинг филиаллари ҳузурида ташкил этиладиган “Кичик инновацион қорхона”лар ўртасида тузиладиган шартнома-нинг намунавий шаклини ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича **маслаҳатчиси А.Д.Вахабов зиммасига** – қарордаги вазифаларнинг ижроси ва мониторинги олиб борилишини таъминлаш, маъмурий бўйсунушидан қатъий назар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири **Ж.А.Ходжаев, Университет ректори Б.А.Сўлаймонов зиммасига** – қарор ижросини бевосита таъминлаш, университетга замонавий таълимнинг кредит тизимини татбиқ этиш, илмий изланишлар натижаларини тижоратлаштириш, фан-таълим ва ишлаб чиқаришни узвий интеграциялаш, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тажриба-синов тарикасида “Кичик инновацион қорхона”ларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири **Ж.А.Ходжаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Мажидов зиммасига** – таълимнинг кредит тизимидаги ва Университетнинг 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иктидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежлари негизда **олий мактаб** ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш бўйича жавобгарлик юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А.Н.Арипов** ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари **3.Ш.Низомиддинов** зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2019 йил 19 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

ҒАЛЛАКОР ИШГА КИРИШДИ

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ МАВСУМИНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ ХУСУСИДА

Республикамизнинг ўзгарувчан ва мураккаб тупроқ-иқлим шароитида маҳаллий шароитларга мос, серхосил, дон сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бошоқли дон экинлари навларини яратиш, уруғчилигини ривожлантириш ва сифатли дон ҳосили олиш агротехникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий гарови бу экишга ерни сифатли тайёрлаш, минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олиб нав танлаш, сифатли уруғлик, экиш муддати ва меъёрлари, ғалла ниҳолларини тўлиқ ундириб олиш ҳамда ўз муддатида парваришlashни амалга оширишдан иборат.

Республикамизда 2020 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экиш ишларини белгиланган муддат ва меъёрларда тез ва сифатли қилиб бажаришда мутасадди раҳбар ва мутахассислар, фермер хўжаликлари раҳбарлари қуйидаги агротехник тадбирларга алоҳида эътибор қаратишлари керак бўлади.

Ер экишга қанчалик сифатли қилиб тайёрланса, экиш ва кузги бошоқли дон экинларини парвариш қилиш шунчалик юқори савияда ўтказилади.

Ерни экишга тайёрлаш иккига бўлинади: тупроққа асосий ишлов бериш ва экиш олдида тупроққа ишлов бериш.

Тупроққа ишлов беришдан асосий мақсад – тупроқнинг зичланган юза қатламини сифатли қилиб юмшатишдан иборат.

Кузги ғалла экиладиган ерларни ишлаш тизими ундан олдин шу майдонга қандай экин тури экилганлигига боғлиқ.

Бошоқли дон экинлари, маккажўхори ёки сабзавот экинларидан кейин ер одатда қуриб қолиши натижасида ҳайдалганда палахса кесак кўчади.

Бундай кесакларни майдалаш

қийинлашади. Шунинг учун бундай ер майдонлари дастлаб енгил суғорилади ва тупроқ етилиши билан дискли юмшаткич ёки чимқирқар ёрдамида 10-12 см чуқурликда юза юмшатилади ва ундан кейин 20-22 см чуқурликда ағдариб ҳайдалади. Бундай чуқурлик кузги буғдой етиштиришда энг мақбул ҳисобланади.

Ерни беда ёки силос учун экилган маккажўхоридан кейин буғдой экишга тайёрлаш учун ПЯ-3-35, ПД-3-35 русумли икки ярусли омовларда камида 30-

ган бегона ўтлардан тозаланиб, КРХ-4, КРХ-3,6, КХУ-4, КПН-4 каби универсал культиваторлар ва шу сингари бошқа мослама техникалардан фойдаланиб юмшатилади.

Ўза қатор ораларини кузги ғалла экишга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ўза қатор ораларини экишга тайёрлаш олдида таъсир этувчи модда ҳисобида фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёри фосфор 90-100 кг, калий 50-60 кг ҳисобида берилади.

Агарда ўзапоялари йиғиштириб олинган ер майдони бўлса, ундай ер майдони 10-12 см чуқурликда чимқирқар ёрдамида юза юмшатиладиган кейин 20-25 см чуқурликда ағдариб ҳайдалади. Ҳайдалган ер майдонидаги тупроқ намлиги дала нам сифатига нисбатан 50-60 фоизни ташкил этганда ер «зиг-заг» борона ёрдамида борона қилинади.

Ўза қатор ораларини экишга тайёрлаш олдида фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёри берилиб, ўза қатор ораларидаги бегона ўтлар уруғи тарқалмаслиги учун улар юлиниб, дала қирғоғига олиб чиқиб ёқиб юборилади.

Кузги ва баҳорги буғдойдан бўшаган ер майдонларини қайта буғдой экишга тайёрлаш мажбуран ҳолатдан чиқиш мақсадида амалга оширилади. Умуман олганда, буғдойдан кейин буғдой экишга йўл қўйилмаслиги керак.

Экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитларни қўллаш. Экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитлар йиллик меъёрининг 100 фоиз берилишини таъминлаш ғаллачиликда фосфор, калий



35 см чуқурликда ҳайдалиши мақсадга мувофиқ.

Кузги буғдой, сабзавот экинларидан кейин экиладиган бўлса, ерга енгил 18-20 см чуқурликда ишлов бериш самарали ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ер шароитида экиладиган кузги буғдойнинг 68-70 фоизи, ҳатто, ундан ортиқроғи ўза қатор оралигига экилади.

Бундай ҳолда буғдой экиладиган ер майдонлари энг биринчи навбатда ўза қатор ораларида уруғлари пишиб тур-

билан озиклантиришнинг энг мақбул муддатидир.

Уруғни экишга тайёрлаш: кузги буғдойни юқори сифатли навдор уруғлик билан экиш юқори ва сифатли дон ҳосили олишнинг асосий омилларидан биридир. Экиш учун белгиланган давлат андозалари талабига жавоб берадиган бир хил йирикликда ва текис, соғлом, бегона ўтлар уруғидан тоза, унувчанлиги камида 92-95 фоиз ва униб чиқиш кучи 80 фоиздан кам бўлмаган уруғликдан фойдаланиш, ҳосилдорлики гектаридан камида 3-5 центнерга оширади.

Қоракуя, занг ва бошқа касалликларга чалинмаслиги учун уруғликлар экишдан камида 20-25 кун олдин мутахассислар иштирокида дориланган бўлиши шарт. Бошоқли дон экинлари уруғликларини экишда уларнинг сертификатланганлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Уруғликни турли хил замбуруғ касалликларидан зарарсизлантириш, жумладан, қоракуя, илдиз чириш ва бошқа касалликларга қарши 1 тонна уруғликка 2 фоизли Буғдойдор сус.к. 2,5-3,0 литр ҳисобида, 12,9 фоизли Виал ТТ с.сус.к. 0,25-0,3 литр, Тебу 60 м.э.препаратини 0,4 литр билан ишлов бериш ўз ижобий натижасини беради.

Бошоқли дон экинларини экиш: республикамизнинг суғориладиган ерларида бошоқли дон экинларини минтақалар тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, экиш муддат ва меъёрларини белгилаш билан навлардан юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилади.

Бунда кузги буғдойнинг кечки Андижон-1, Дурдона, Восторг, Юка навларини эрта (25 августдан 30 сентябргача) муддатларда экишни амалга ошириш.

Кузги буғдойнинг эртаки Андижон-2, Аср, Давр, Дружба, Ғозгон, Эломон, Крошка, Краснодар-99, Таня, Гром, Москвич, Нота, Васса, Память, Бригада, Табор, Калым, Лебед, Селянка навларини ўрта (1 октябрдан 25 октябргача) муддатларда экишни белгилаш лозим.

Ўта эртапишар, эртапишар кузги буғдойнинг Чиллаки, Марс-1, Ёғду, Замин-1, Бобур, Андижон-4, Омад, Матонат, Звезда, Яксарт, Маржон, Ёнбош, Кўкбулоқ, Ҳосилдор, Старшина, Кума, Есаул навларини, кечки (15 октябрдан 1 ноябргача) муддатларда, шунингдек, бегона ўт босиш эҳтимоли кўп бўлган майдонларга экишни белгилаш.

Ғалла экиш меъёрлари албатта экиш муддатларига қараб белгиланади.

Экиш муддатлари ўз вақтида белгиланиб ғалла экишга киришилганда уруғ меъёри ҳар гектарига уруғликнинг минг дона дон вазнига қараб 200-220 кг дан сарфланиши ёки бир гектар майдонга 4.5-5.0 млн. унувчан уруғлик сарфланиши керак. Агар экиш муддатларидан кечиксагина гектарига экилаётган уруғлик миқдори оширилиши лозим, яъни 240-250 кг гача ёки 6.0-6.5 млн унувчан уруғлик сарфланади. Ўз муддатида экилаётган ғалланинг уруғ сарфини оширилиши ҳосилдорликини оширмайди ва дон сифатининг бузилишига олиб келади. Чунки бундай ҳолатда ғалланинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир этади. Бунда ғаллани туплаш, найчалаш даврида тупроқдан оладиган озук ва намлик режимининг бузилишига, бошоқлари майда бўлиб, сифатининг пасайиши ва ҳосилдорлиги камайишига олиб келади.

Республика ҳудудида экишга тавсия этилган асосий навларнинг тур-хиллари.

Эритроспермум (Erithrospermum) тур хилига мансуб қилтиқли Чиллаки, Андижон-4, Бобур, Ёғду, Звезда, Ғозгон, Дўстлик, Яксарт, Есаул, Старшина.

Лютесценс (lutescens) тур хилига мансуб қилтиқсиз Аср, Андижон-2, Дурдона, Давр, Дружба, Ўзбекистон-25, Таня, Гром, Грация, Первица, Краснодарская-99, Зимница, Крошка, Юка, Васса, Лебедь, Алексеич, Безостая-100, Бригада, Табор.

Грекум (Grecum) тур хилига мансуб қилтиқли Ҳосилдор, Ўзбекистон-1, Оқбуғдой, Грекум-439, Шодлик, Омад, Матонат, Муфталло, Эломон, Хазрати Башир, Зумрад.

Ферругинеум (Ferrugineum) тур хилига мансуб қилтиқли Марс-1, Бўзқалъа, Санзар-4, Интенсивная, Ёнбош.

Очиқ майдонларда: ғалла экишда биринчи навбатда экиш ишларини махсус ғалла экиш сеялкаларида экишга эътиборни қаратиш керак. Бунда уруғ бир хил чуқурликка тушади ва текис униб чиқади.

Ўза қатор ораларига экиш: экиш ишлари махсус мосламалар ёрдамида амалга оширилиши ва бу мосламаларнинг ишга яроқлилиги ҳамда уруғни бир текисда ташлашига эътибор қаратилади.

Уруғ экиш мосламаларда ғалла уруғларини экишда, уруғнинг бир текис тушишини таъминлаш билан бир-

га майда ишчи органлари воситасида тупроққа яхши аралашини, саёзроқ ва энсизроқ эгат олишни ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Экиш пайтида кесакли тайёрланган майдонларда уруғ сепиш тавсия этилмайди.

Биринчидан, уруғ белгиланган чуқурликка тушмайди. Иккинчидан, 20-30 фоиз уруғ ўзапоё тагидаги юмшатиш қолган ҳимоя зонаси устида қолиб кетади. Учунчидан, кесакли экилган майдонларда 30-40 фоиз уруғлар тупроқ билан аралашмай кесак устида қолиб кетади.

Бундай салбий ҳолатларнинг олди олинмаса ниҳол белгиланган меъёрдиган 30-40 фоизга кам бўлади. Қишда бу майдонларни совуқ уриши хавфи кучаяди.

Муддатидан ўта эрта экилганда куздаги иссиқ ҳаво ҳарорати ва тупроқдаги етарли намликдан фойдаланиб, буғдой ўсиб қалинлашиб кетиши натижасида буғдой димиқиши ва уни қишда совуқ олиши мумкин. Ундан ташқари бундай майдонлардаги буғдой занг касаллиги билан ҳам зарарланади.

Республикаимизнинг суғориладиган ер шароитига экиш учун уруғ экиш меъёри гектарига 4,5-6,0 млн. дона унувчан уруғни ташкил этади. Ўза қатор ораларига ва кечки муддатда экилганда экиш меъёри 15-20 фоизга оширилади.

Ғалла ҳосилидан юқори ҳосил олишнинг гарови экиш муддатларига қатъиян риоя қилишдир, кўп йиллик тажриба натижаларига кўра Шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ғалла экиш ишларини 1 сентябрдан 1 октябргача якунлаш лозим. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари 15 сентябрдан 20 октябргача, Марказий минтақалар Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари 15 сентябрдан 20 октябргача, Жанубий минтақалар Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари 1 октябрдан 1 ноябргача якунлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларни республикамизнинг ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ўз муддатида сифатли амалга оширилиши келгуси йилда ғалладан мўл ҳосил олишга замин яратади.

Р. СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., РҒА академиги.

ПАХТА ТЕРИМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатда уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш энг муҳим тадбир бўлиб, бу ишларини талабларга мувофиқ ҳолда ташкил, тез фурсатда терим машиналарини жалб этган ҳолда ўтказиш зарур. Теримга кўсақлар 85-90% очилганда тушиш энг мақбул муддат ҳисобланади.

Бу йилги шароитда пахта теримида нималарга эътибор бериш керак? Маълумки, жорий йил баҳор ойларининг серёғин келиши сабабли айрим майдонларда чигитнинг қайта экилиши, шунингдек, республикаимизда июль ойининг биринчи ярмида кузатилган аномал иссиқ таъсирида ғўзада ҳосил тўплаш даврининг узайиб кетиши натижасида ғўза ривож кечиккан майдонлар мавжуд бўлиб, ғўза ривож асосан июль-август ойида авж олди, кўсақлар олдинги йиллардагидек, август ойи ўрталари ва иккинчи ярмида пишиб етилмади. Бу эса йиғим терим ишларига ҳам бироз кечроқ киришиш кераклигини тақозо этади.

Кўсақлар очилишини тезлаштирувчи Далрост, Узпреп каби таркибда этефон сақловчи биостимуляторлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай препаратлар кўсақлар 30-35% очилганда 1,5-2,0 л/га меъёردа қўлланилса, кўсақлар очилиши 15-20% жадаллашуви натижасида орадан 10-12 кун ўтгач 90-100% табиий ҳолатда пишиб етилади ва пахта-ни 1 ёки 2 теримда тўлиқ териб олишга шароит яратилади.

Пахта теримига киришишдан олдин, аввало, далани теримга тўғри тайёрлаш лозим. Бунинг учун аввал чигит мақбул муддатларда экилиб, далаларда 45-50% кўсақлар очилган бўлса, дефолиация ўтказилади. Дефолиация ишлари жорий йилда табақалаштирилган ҳолда бошқа йиллардагидан фарқ қилиб, ҳар йилгидан

кечроқ ўтказилиши, кечки кўсақларнинг ҳам тўлиқ етилиб, очилишига имкон беради. Бу йилги шароитда дефолиациядан 7-8 кун олдин Далрост ёки Узпреп препаратлари билан кўсақлар очилишини тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Дефолиациядан 12-14 кун ўтгач дала пахта теримга тайёр бўлади, ҳар бир далага техника кириши учун суғориш ариқлари кўмилиб, даладаги челлар ва ўқариқлар текисланади. Дала боши ва охирида айланма майдондаги ғўзалар ўриб олиниб, тиркамалар юриши учун қулайлик яратилади. Ҳар бир фермер хўжалигининг

Пахта йиғим-терими ишларини ташкил этиш, яъни пахтани териш, тиркамага ортиш, қабул пунктларига топшириш, қабул қилиш, ғарамлаш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва "Ўзпахтасаноат" АЖ томонидан тайёрланган меъёрий ҳужжатлар ва тартиб қоидалар асосида амалга оширилади.

Ҳосилни ўз вақтида ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан териб олиш мақсадида, ҳудудларнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда, ҳар 80-100 гектар ғўза майдонига мўлжаллаб биттадан терим отряди тузилади. Отряд таркибига фермер хўжалиги аъзолари ва белгиланган шартнома асосида мавсумий ишга жалб этилган ҳашарчи теримчилар киритилади. Ҳар бир отрядга теримчилар сонидан келиб чиқиб, уларни далага олиб бориш учун авто-транспорт, пахтани ортиш ва ташиш учун трактор ва тиркамалар бириктирилади. Отрядга бириктирилган фермер хўжаликлари кесимида чигит экиш муддатлари, ўтказилган агротехник тадбирлар ва дефолиацияни ҳисобга олиб, пахта териш графиклари иш-лаб чиқилади.

Далада теримчилар сони қуйидагича белгиланади: апробацияда ҳосилдорлик 30 ц/га ни ташкил этган бўлса, 1-теримга 80% кўсақлар очилганда киришиш режалаштирилса, демак 24 ц/га ёки гектарига 2,4 т пахта ҳосили 1-теримда териб олинади. Даладаги ҳосил 3 кунда йиғиб-териб олинadиган бўлса, ҳар куни гектаридан 800 кг пахта теришлиши керак. Ҳар бир теримчи ўртача кунига 65-70 кг пахта териш имконияти борлигини инобатга олсак, ҳар бир гектарга 11-12 нафардан кам бўлмаган теримчи жалб қилинади. Демак, 10 гектарлик контурда 110 киши, 20 гектарликка 220 киши ва ҳоказо. Шунинг учун ҳар бир фермер хўжалиги 1-теримда гектарини инобатга олиб теримчиларни бир



умумий ер майдонини инобатга олиб 30-50 гектарга битта пахтани куришти майдончаси ташкил этиш тавсия этилади.

Ғўза даласидаги ўқариқ ва сув йўллари ёпилгандан сўнг, даланинг 5 нуктасидан конверт усулида 10 тадан ўсимлик намунаси олиниб, ушбу ўсимликлардаги жами кўсақлар сони ва шундан очилгани санаб чиқилади. Намунадаги ўсимликларда кўсақлар 80-85 фоиз очилган бўлса, ушбу далада йиғим-терим ишларига киришила-ди. Агар очилиш даражаси кам бўлса, терим ишлари бироз кечиктирилади. Масалан, 10 та ўсимликда жами 150 та кўсақ бўлиб, шундан 120 таси очилганлиги (80%) аниқланса, дала теримга тайёр ҳисобланади, шунда пахта ҳосили салмоқли бўлиб, тош босади, толаси ҳам сифатли етилган бўлади.

гуруҳга тўплаши ва теримни тўғри ташкил этиши шарт.

Пахта ҳосилини сифатли териб олишда теримлар орасидаги муддат катта аҳамиятга эга. Биринчи терим билан иккинчи терим ораси 15-20 кунни, иккинчи терим билан учинчи терим ораси 10-15 кунни ташкил этиши керак. Акс ҳолда пахта хомашёси тўлиқ пишиб етилмай териб олиниб, салмоғи камайиб, сифати пасайиши мумкин.

Шунингдек, пахтани хом термаслик, чаноғида қолдирмасдан, сифатли териб олиш бўйича доимий назоратни йўлга қўйиб, тўлиқ териб олинган пахта майдонларига байроқчалар ўрнатилади. Бунинг учун эгат узунлиги 50-60 метрдан бўлган ерларда, ҳар 50-60 метрдан кейин теримчиларни қаторга қўйиш лозим. Яъни, далани бўлак-бўлак териб олиш яхши самара беради. Бунинг учун ҳар 100 метрда чел ва ўқариқ ўрни текисланиб, прицеп-тиркамалар юриш йўллари тайёрланиши шарт. Терилган пахта қуритиш майдонига олиб келиниб, ёйилиб, шамоллатиб қуритилгандан сўнг қабул пунктларига жўнатилади. Қабул масканларига жўнатилган пахта ҳар хил аралашмалардан (яшил ва қуруқ барг, чаноқ, хом кўсак, бегона ўт барглари ва бошқа ёт қўшимчалардан) тозаланган бўлса, унинг саноат нави шунча юқори, нархи ҳам қиммат бўлади ва шундай тоза пахта оғирроқ тош босади.

Уруғлик пахтани териш тартиби.

Уруғлик пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида махсус комиссия томонидан апробациядан сўнг, уруғлик пахтани териб олиш тартибига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилади. Уруғлик пахта ғўза тупининг 3-7 ҳосил шохидаги биринчи кўсақлар пахтасидан териб олинади. Бир тупда очилган ҳамма кўсақлардаги пахтани тўлиқ териш мутлақо мумкин эмас. Чунки, бунда уруғлик чигит сифати пасайиб кетади, бу эса кейинги йил ҳосилига жиддий путур етказиши. Уруғчилик фермер хўжаликларида йўналишига қараб, уруғлик авлодлар бўйича алоҳида теририлиши керак.

Уруғлик пахтани териб олишда далада камида 65-70% кўсақлар очилган бўлиши ҳамда теримда иштирок этадиган теримчилар уруғлик пахтани териб олиш тартиби билан таништирилиши шарт.

Уруғлик пахтани теришда теримчиларга махсус чўнтакли этаклар-фар-

туқлар берилиб, асосий уруғлик пахта этакнинг ичига, тўлиқ ривожланмаган ва касалланган кўсақлардаги пахта эса ён чўнтакка солинади. Умуман, уруғлик пахтани теришга уруғлик ишларидан хабардор, малакали ишчиларни жалб қилиб, уларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш зарур.

Мутахассислар томонидан уруғлик учун яроқли деб топилган ғўза майдонлари бегона ўтлардан ва бошқа нав аралашмаларидан тозаланган бўлиши лозим. Уруғлик пахтани териш уруғчилик хўжалиги уруғчи агрономи, ғўза уруғчилиги маркази мутахассислари ва назоратчи инспекторлар назорати остида ташкил этилиши шарт. Уруғлик пахтани териб олишда 3-ҳосил шохидан пастдаги ва 8-ҳосил шохидан юқоридаги шохлардан ва ғўзанинг асосий тупидан узоқ жойлашган, касалланган, яхши очилмаган, зараркунанда ҳашаротлар билан зарарланган кўсақлар пахтасини териш қатъий таъқиқланади.

Уруғлик пахтани терувчи ҳар 10 нафар теримчи устидан битта назоратчи қўйилиши лозим. Уруғлик пахтани териб олишда пахта салмоғи эмас, балки сифатига эътибор бериш сифатли, яхши уруғлик тайёрлаш имконини беради. Ҳар бир нав муаллифи ўзининг нави уруғи экилган элита уруғчилик хўжаликларида бўлиб, терим сифатини ва наводорлик кўрсаткичларини назоратга олиши орқали унинг наводорлигини оширади. Шунда кейинги йил учун юқори сифатли уруғлик чигит тайёрланади.

Уруғлик пахтани пахта тозалаш корхоналари ёки тайёрлов пунктларига топширишдан олдин, хирмонларда бир-икки кеча-кундуз давомида қуритиб, кейин топширилса, унинг саноат наводорлиги ошади. Бундан ташқари, уруғнинг сифати яхшиланади, физиологик етилиши тезлашади, натижада уруғлик чигитнинг унучанлиги ва униб чиқиш қуввати ортади.

Пахтани машиналарда териш.

Республикаимизда йилдан-йилга пахтани машиналарда териш ҳажми ортиб бормоқда. Янги терим машиналари яратилиб, уларда терим сифати ва суръати ошмоқда. Ёўзани машина теримига мос ҳолатда парваришlash агротадбирлари амалга оширилмоқда. Пахта машинада те-

риладиган далаларда қандай ишлар амалга оширилади?

Бунинг учун дала машина теримига асосан август ва сентябрь ойларида тайёрланади. Аввало, ғўза бўғин ораси қисқа ғовламай ўстирилади. Бунда Энтожеан препарати билан ишлов берилган, бўйи 80-90 см атрофида бўлган, кўсақлар тўлиқ етилган далалар танланади. Ёки чилпиш сифатли, ўз муддатида бажарилган бўлиши лозим. Шундай далалар август ойи охири ёки сентябрь ойи бошларида бегона ўтлардан тўлиқ тозаланади, ўқариқлар текисланади. Дефолиацияни ўтказишдан 5-7 кун олдин далаларнинг боши ва охири 8-10 м. кенгликда ғўза туплари десикация қилинади. Десикация қилинган ғўзалар ўриб олиниб, дала четига чиқариб қўйилади. Шундан сўнг дала атрофи грейдер ёки бульдозерлар билан яхшилаб текисланади. Айланиш майдончалари пахта териш машиналари учун 10-12 метрдан кам бўлмаслиги керак. Машина теримини уюшқоқлик билан ўтказиш учун механизациялашган йиғим-терим отрядлари ташкил этилиши, йиғим-теримнинг «дала – бункер – тиркама – пахта заводи» усули қўлланилиши лозим. Теримда иштирок этаётган ҳар 10 та терим машиналарига 20-22 та пахта таниш тиркамалари бириктирилиши керак. Пахта терими олдида машиналар дала синовидан ўтказилиши, синов даврида носозликлар аниқланса, тезда тузатилиши лозим. Пахта териш машиналари ғўза кўсақлари 90% очилганда ва барги 85-90 фоиз тўкилганда ишга туширилади.

Пахта йиғим-теримида юқоридаги тавсияларга амал қилиниб иш юритилса, бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан миришкор деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнатлари ҳисобига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишга эришилади.

Ф. ТЕШАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Ш. АБДУАЛИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Ф. ҲАСАНОВА,
қ.х.ф.н. профессор,
У. АБДУРАХМАНОВ,
қ.х.ф.д., к.и.х.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари.



*Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини етиштираётган ҳамда
юртимиз аҳолиси дастурхонининг тўкин
бўлишини таъминлаётган азиз
чорвадору деҳқонларимизни,
ҳамкасбларимизни, барча юртдошларимизни
қутлуғ айём — Мустақиллик байрами
билан самимий табриклаймиз.*

**Андижон вилояти «Агрокимёҳимоя» АЖ
жамоаси**

МАШИНА ТЕРИМИДА ЮҚОРИ ИШ УНУМИНИ ТАЪМИНЛАШ

Иш унуми ҳар бир қишлоқ хўжалиги машинасининг самарасини белгилловчи асосий кўрсаткич ҳисобланиб, бу кўрсаткич пахта териш машинаси учун айниқса қимматлидир. МХ-1,8 русумли икки қаторли машина 4 гектарга тенг унумдорлик билан ишласа, бир кунда 10 тонна, 10 кунда 100 тонна пахта тереди. Иш унумини 5 гектарга етказишга эришилса, 10 кун ичида 125 тонна ҳосил йиғиштирилади. Демак, машина иш унумини 1 гектарга ошириш қўшимча 25 тонна пахта теришлигини таъминлаяпти.

Илғор тажрибалардан маълумки, пахта териш машиналарининг кундалик ва мавсумий иш унумини оширишнинг энг ишончли йўли – бу йиғим-теримни отряд усулида ташкил этишдир.

Отрядлар пахта-тўқимачилик кластерлари ва туман “Агросервис МТП”да ташкил этилади.

Ҳар бир отряд таркиби далаларни машина теримига тайёрлаш, пахта териш, пахта ташиш, техник хизмат кўрсатиш ва маданий-маиший хизмат звеноларидан иборат бўлиши лозим.

Отрядлар сони тумандаги фермер хўжаликлари жойлашган ҳудудлар сони, мазкур ҳудудларда машина терими учун ажратилган пахта майдонларининг ҳажмларига қараб танланади.

Далаларни машина теримига тайёрлаш звеноси. Бу звенонинг вазифасига йўл, ўқариқ ва бешамакларни текислаш, пахта пайкалларида бурилиш майдонларини тайёрлаш киради.

Звено ихтиёрида грейдерлар ва бульдозерлар осилган 4–5 та чопиқ трактори ва ер текислагичлар бўлади.

МХ-1,8 пахта териш машинасининг пахта пайкалининг боши ва охирида бурилишлари пайтида ҳосил нобудгарчилигини олдини олиш мақсадида йиғим-теримдан 3–4 кун олдин кенглиги 8–10 м бўлган бурилиш майдончалари тайёрланади. Бунинг учун бурилиш майдончаларидаги ғўза тупларидан пахталар териб олинади, кейин туп-

лар ўриб олиниб, пайкал уватларига ёйиб қўйилади. Майдончалар юзаси грейдер ёки бульдозер ёрдамида текисланади. Бу иш сифатли бажарилмаса пахта териш машинасининг қисмларига шикаст етади, иш унуми ва агротехник кўрсаткичлари пасайиб кетади. Бундан ташқари, далалардаги ўқариқ ва бешамаклар ҳам терим олдида сифатли текисланиши зарур.

Пахта териш звеноси. 1000 гектар пахта майдони учун бир отрядда 3 та пахта териш звеноси ташкил қилинади. Уларнинг вазифаси – ҳосилни исроф қилмасдан тез йиғиб олишдан иборат. Бутун отряднинг ишлаш ритми пахта териш звеноларининг уюшқоқлик билан фаолият кўрсатишига боғлиқ. Бир звенога 4–6 та пахта териш машинаси бириктириб қўйилади. Иш икки смена-

пахта териш машинасини ғўзанинг ҳолати ва ҳосилдорлигига қараб ростлашни, терим сифатини назорат қилишни, механик-ҳайдовчиларга йўл-йўриқ кўрсатишни яхши билиши ва терим техникасидан фойдаланишда юқори самарадорликни таъминлаши лозим.

Пахта ташиш звеноси. Ҳар бир отрядда 2 та пахта ташиш звеноси ташкил этилади. Бу звеноларнинг вазифаси пахтани машина бункерларидан тайёрлов пунктига тўхтовсиз ташиб туришдан иборат.

Битта звено 4–6 та тўрт ғилдиракли трактор ва пахта ташийдиган 8–12 та тиркамалардан ташкил топган. Ишни икки сменада ташкил қилиш мақсадида звенога 8–12 нафар механизатор ва 4–6 нафар ёрдамчи ишчи бириктириб қўйилади.

Пахта ташиш звеносининг бошлиғи пахта териш машиналарининг ҳаракат-маршрутларини, уларнинг соатлик иш унумдорлигини яхши билиши, трактор поездларининг ўз вақтида бориб қайтишини таъминлаш, энг асосийси, бункерлари пахтага тўла пахта териш машиналарининг далада туриб қолишига йўл қўймаслиги керак.

Техник хизмат кўрсатиш звеноси. Отряд таркибидаги пахта териш машиналари, трактор тиркамалари ва бошқа машина ва агрегатлардан кун давомида юқори унум билан фойдаланиш кўп жиҳатдан уларга техник хизмат кўрсатадиган звенонинг сифатли ишлашига боғлиқ. Звенонинг асосий вазифаси – машиналарга сменали техник хизмат кўрсатишни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш, смена давомида юз берган носозликларни бартараф этиш, ишдан чиққан деталларни даланинг ўзида қисқа муддатда таъмирлаш ёки алмаштиришдан иборат.

Звено таркиби 7 кишидан: техник-механик, устахона шофёри, чилангар, икки нафар тракторчи, электр пайвандчи ва ёнилғи қуювчидан ташкил топади. Звенога ГОСНИТИ-2 ёки



да ташкил қилинганда ҳар бир терим агрегатида 2 нафар механик-ҳайдовчи ишлайди.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш учун унинг ҳар бирига бир кунда териб улгурадиган 4–6 гектар пахта майдони ажратилади. Мазкур майдондаги ғўза қаторлари шундай узунликда бўлиши керакки, токи пахта териш машинаси даланинг охирига бориб, қайтиб келганда унинг бункери пахта билан тўлсин. Бу ҳолда бункердаги пахта даланинг бир томонига қўйилган транспорт воситасига бўшатилади. Агар машина бункери бир томоннинг ўзидаёқ тўлса, бункерни бўшатиш даланинг боши ва охирида амалга оширилади.

Звено бошлиғи (муҳандис-техник ходим ёки тажрибали механик-ҳайдовчи)

бошқа русумдаги кўчма техник хизмат кўрсатиш устaxonаси, ёнилғи қуйиш, пайвандлаш ҳамда шпинделларни ювиш агрегатлари бириктирилади.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш звеноси. Бу звено вазифасига овқат, чой тайёрлаш ва уларни даладаги иш жойига етказиб бериш, ишдан ташқари вақтда машина терими қатнашчиларини дам олишни ташкил этиш; янги газета, журнал, китоблар олиб келиш, бадиий ҳаваскорлик тўғараклари қатнашчиларининг далада чиқишларини уюштириш; йиғиш-

ташиш отрядининг ҳамма аъзоларига теримнинг бориши ҳақида ахборот бериб туриш каби тадбирлар қиради.

Звено таркибиди, шунингдек, отряд аъзоларининг соғлиғини назорат қиладиган, зарур бўлиб қолганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган фельдшер ёки ҳамшира бўлади. Звенога “Дамас” русумдаги микроавтобус ва бошқа зарур моддий-техника воситалари бириктирилади.

Шундай қилиб, пахта теримини йиғиш-ташиш отрядлари усулида ташкил этиш пахта териш машиналарини

икки сменада ишлатиш, уларнинг иш унумини ошириш, ҳосилнинг ерга тўкилишини камайтириш, машина ва механизмларга даланинг ўзиди техник хизмат кўрсатиш орқали уларни доимо соз ҳолатда ушлаб туриш ва умуман, машина теримида юқори самарадорликка эришишни таъминлайди. Шу билан бир қаторда, далаларни пахтадан тез бўшаши ҳисобига кейинги йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўтказиш учун қулай шароит яратилади.

М. ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., (ҚХМИТИ)

ТАВСИЯ

ЭНДИ НАВБАТ САРИШТАГА

ёхўд боғ-токзорларда пишиб етилган мева-узумларни териш ва сақлаш хусусида



Жорий йилда об-ҳавонинг эрта келиши ҳамда июнь-август ойларида ҳавонинг ҳаддан ташқари юқори исиб кетиши боис боғ ва токзорларда мева-узумлар 20–25 кун олдин пиша бошлади. Меваларнинг кечпишар навлари ҳам шу кунларда пишиб етила бошлади.

Кечпишар олма ва нок навларининг ҳосилини нес-нобуд қилмасдан териб олиш учун теримчиларга ҳосилни териш техникаси тушунтирилиб, улардан меваларни сифатли қилиб териш талаб этилади.

Меваларни теришда энг аввал ерга тўкилганлари териб олинади, кейин дарахтдаги ҳосил узилади. Узилган мева-узумлар дастлаб сараланиб, катта-кичикликка ажратилади ва яшикларга жойланади.

Айрим данак мевалилардан шафтоли ва олхўри меваларининг пишиб етилганлари қуритишга, яъни салқин жойларга дарахтлар тагига қўйиб очик ҳавода қуритилади.

Қуритиш мавсуми бошланганда ёғингарчилик ҳам бошланади. Натижада кўп фермер ва деҳқон ҳўжаликларида мева-узум маҳсулоти исроф бўлиши мумкин. Кейинги

йиллари мева-узум маҳсулотларини янги усулда, яъни плёнка ёпилган хоналарда қуритиш афзаллиги аниқланди. Олимларимиз томонидан мева-узумларни плёнка остида қуритиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, фермер ҳўжаликларига 0,5–0,8 т сиғимдаги палаткалар тавсия этилади.

Буларга: ярим очик палатка. Ушбу палатка қуйидаги катталиқда бўлади: эни 4 м, баланд тепаси 2 м 40 см, ён деворларининг баландлиги 1 м бўлиб, палатканинг иккала ёни томонига патнисларни жойлаш учун этажеркалар ўрнатилади. Ҳар қайси патнисга 6–8 кг мева ёки узум сиғади. Палатканинг битта бўлимига 10 тагача патнисда ҳўл мева-узумни қуритиш мумкин. Палатканинг ён деворлари ердан 40 см баландлиқда плёнка билан беркитилади. Қуритиш жараёнида пайдо бўлган буғларни чиқариб юбориш учун табиий ҳаво алмашиши таъминланади. Палатканинг ичида ҳарорат ташқарига нисбатан 2–3°C юқори бўлади.

Йиғма палатка қуйидаги афзалликларга эга: усти полиэтилен плёнка билан ёпилади ва енгил йиғилади. Йиғма па-

латка эни ва узунлиги 4 м, энг баланд тепа қисми 2 м 20 см, ён деворларининг баландлиги 1 м 60 см. Палатканинг пастки қисми ердан 40 см баландликда очик туради, қолган қисми плёнка билан тўлиқ ёпилади. Палатка ичидаги ҳарорат ташқаридагига нисбатан 3–6°C юқори бўлади. Эрталабки шудринг палатка ичига ўтмайди. Сифатли қурилган маҳсулотни қишда савдо тармоқлари ҳамда бошқа мамлакатларга экспорт қилиш ҳам мумкин.

Қишки олма, нок ва беҳи навлари меваларининг асосий қисмини сақлашга, яъни омборхоналарга ҳамда совутгичли омборхоналарга жойлаб кеч куз ва қиш ойларида экспортга йўналтириш ҳамда аҳоли истеъмоли учун сотувга чиқаришга қаратиш зарур.

Қишки узум навлари – “Пушти тойфи”, “Нимранг”, “Ҳусайни”, “Ризамат”, “Октябрьский” навларининг асосий қисми сақлашга қўйилади, бир қисми экспортга, саноатбоп узум навларининг ҳосили қайта ишлаш саноат корхоналарига юборилади.

Мевали дарахтларни қишлашга тайёрлаш зарур. Жорий йилнинг июнь–август ойларида ҳаво-ҳароратининг ўта исиб кетиши боис тупроқда нам анча камайган. Бўз ва бўз-ўтлоқи ерларга экилган боғларни сентябрь ойи бошида, тупроқ қатлами юпқа бўлган (таги шағалли) майдонларда сентябрь ойининг охиригача суғориш ишлари ўтказилиши зарур. Бунда дарахтлар қишга яхши тайёрланади ҳамда улар совуқдан азият чекмайди.

Ушбу ойда пишган кечки мева-узумнинг бир қисми сақлашга қўйилади. Мева-узум маҳсулотлари ертўлалар, омборлар, оддий ўралар ёки типовой омборхоналарда ҳамда совутгичли омборхоналарда сақланади.

Мева-узум маҳсулотларини сақлаш учун энг яхши шароит ҳаво ҳарорати ва намликни доимо аниқ белгиланган даражада сақлаб туриш зарур.

Мевалар етилганда, уларни об-ҳаво қуруқ вақтда, банда билан бирга авайлаб узиш керак.

Сақлаш учун терилган мевалар етилиш даражаси бўйича навларга ажратилади ва уларни ўлчамлари бўйича саралаб, яшиқларга жойланади, 7–8 яшиқни устма-уст омборни шипигача 50–60 см масофа қолдириб тахланади. Яшиқларни айрим қаторлари ўртасида ҳаво юриши учун 10 см тирқиш ва юриш учун 60–80 см. ли йўл қолдирилади.

Олмани омборларда идишсиз сақлаш учун деворлар бўйлаб турли кенгликда, баландлиги 10–15 см. ли ёндорли сўкчалар ўрнатилади.

Тахтадан ёки фанерадан ишланган баландлик параллел жойлашган сўкчалар ўртасида 70–80 см.дан кам бўлмаслиги керак.

Мева-узумларни сақлаш вақтида текшириб туриш учун сўкчалар пирамида шаклида ўйиб ёки юпқа қават қилиб ёйиб қўйилади.

Олма ва нокни 5–6 ойгача сақлашнинг энг яхши шарт-шароити ҳаво ҳарорати 0–1°C ва нисбий намлик 85–95% бўлиш зарур.

Албатта, оддий ертўлаларда бундай шароитга эришиш қийин, шунинг учун юқоридаги шароитга яқинлашга ҳаракат қилиш керак, яъни ҳавони шамоллатиб, сув сепилиб, ол-

тингугурт билан дудлаш ва мева-узумларнинг сифатини кузатиб бориш талаб этилади.

Узум сақланаётганда эҳтиёткорлик билан узилган узум бошларини сояга ёйиб, 1–2 кун мобайнида шамоллатиб сўлтилади. Сўнгга узум бошларини иккитадан бойлаб осиб сақласа бўлади. Ёки узун новдалар билан кесилган узум бошлари сувли идишга новдасини ботириб, қўйиб сақласа натижаси яхши бўлади, яъни узум узокроқ сақланади.

Айрим жойларда узум қамишдан тўкилган бордонларга ётқизиб ҳам сақланади. Сақланаётган маҳсулот бир ойда икки мартаба кўздан кечирилади ва омборхона олтингугурт билан дудланади.

Маълумки, тоқзорларда узумлар узиб олинган кетидан тоқзорларда кетма-кет тоқларни кесиш ва шакл бериш ишлари бошлаб юборилади. Бу агротехник тадбирлар барча ҳудудларда (жанубий минтақалардан ташқари) бошлаб юборилади.

Ток тупларининг новдаларини кесиш икки муддатда: ерга кўмиладиган тоқлар кузда, кўмилмайдиган тоқлар асосан эрта баҳорда кесилади.

Токдан мўл ҳосил олиш учун улар ҳар йили кесилиб, маълум шаклга келтирилади. Ток новдаларининг сони ва тупда жойланиши токнинг ўсиш кучига қараб тартибга солинади. Ток кесиб турилганда унинг ҳосилга кириши тезлашади, мўл ҳосил бериш даври узаяди, тоқзорни ишлаш ва бунда механизациядан фойдаланиш, токнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш ишлари осонлашади. Мўл ҳосил олиш учун доимо яхши пишган, бақувват, соғлом ва бағазларда яхши ётадиган, нормал бўғим орасига эга бўлган новдалар қолдирилади.

Токни умумий қабул қилинган технологияси бўйича кесиш зарур. Ток кўмиладиган туманларда кесиш вақтида тупларда қабул қилинган меъёрдан 20–25% қўшимча кўзлар қолдирилади. Кучли ўсадиган “Пушти тойфи”, “Нимранг”, “Ҳусайни”, “Ризамат”, “Қора кишмиш” каби навларда кўзлар кўпроқ қолдирилиб, узунроқ кесилади. Бир тупда 200–300 тагача кўз қолдирилиб, ўртача ўсувчи “Баян Ширей”, “Ркацители”, “Сапериави”, “Мускат розовый” навларида кўзлар сони 150–180 тагача қолдирилади. Кучсиз ўсадиган “Рислинг”, “Пино Чёрный” навларида 80–120 та кўз қолдирилади.

Пишган новдаларни кесишда, уларни пастки симга боғлаш мумкин бўлсин, заифроқ новдалар 2–3 та кўзча қолдириб кесилади. Келажақда 4–5 та занг бўлиши учун новдалар қолдирилади, 9–10 ёшли занг новдалар янгиланиш мақсадида кесиб ташланади.

Кесилган ток туплари кўндоқланиб ерга ётқизилган, кўмишдан олдин оидиум (кул) ва антракноз касалликларига қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингугурт қайнатмаси билан жиққа хўллаб пуркалади, сўнг улар тупроқ билан кўмилади.

**Р.АБДУЛЛАЕВ, қ.х.ф.н.,
Ҳ.АБДУЛЛАЕВА, қ.х.ф.ф.д., (PhD)
Академик М.Мирзаев номидаги
БУёаВИТИ**



Ўзининг баракали меҳнат ютуқлари билан
истиқболи порлоқ юртимизнинг
гуллаб-яшнашига ҳисса қўшаётган соҳамиз
меҳнаткашларини, ватандошларимизни

Мустақилликнинг 28 йиллиги билан

самимий табриклаймиз.
Озод ва ҳур мамлакатимизнинг ҳар куни
бунданда гўзал, пурвиқор бўлсин!



«UZGIR»нинг
Қорақалпоғистон
шўъба корхонаси
ж а м о а с и



САБЗАВОТ ВА КАРТОШКАНИ КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ ОЛИШ

Такрорий экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлашнинг асосий шартларидан бири – бу экинларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишдир.

Кўп учрайдиган ширалар, оққанот, ўргимчаккана, ғовакловчи пашша, симкурти, колорадо кўнғизи, кузги тунлам, картошка куяси, карам куяси каби зараркунандаларга қарши қўллаш учун препаратлардан: 1,8 фоизли “Вертимек” к.э. (0,3–0,4 л/га), 9,3 фоизли “Капито” к.с. (0,45 л/га), 42 фоизли “Эмафос” к.э. (0,6–0,8 л/га), “Кораген 200” к.э. (0,15–0,20 л/га), “Амплиго 150” к.с. (0,6–0,8 л/га), 10 фоизли “Бензоат супер” с.э.г. (0,15–0,25 кг/га) препаратларининг биронтасини 300–600 л/га сувга аралаштириб пуркалади.

Илдиз чириш, антракноз, ун-шудринг, фитофтороз, кўнғир доғланиш, кулранг чириш, фузариоз сўлишига қарши қўллаш учун препаратлардан: ўсув даврида касаллики белгилари пайдо бўлиши ва тарқалиши кезигилганда фунгицидлардан 68 фоизли “Ридомил Голд МОЦ” с.э.г. (2,5 кг/га), Бордо суюқлиги (мис купроси бўйича 6,0 кг/га), 60,7 фоизли “Превикур” с.э. (1,5 л/га), “Курзат Р” н.кук. (2,0–2,5 кг/га) препаратларини биронтасини 300–600 л/га сувга аралаштириб пуркалади.

Кимёвий препаратларнинг самарадорлиги юқори бўлишини таъминлаш учун ҳашаротларнинг зичлик даражасини инобатга олган ҳолда ҳар 7–10 кунда препаратларни алмаштириб қўллаш тавсия этилади.

Кимёвий препаратлар билан ишлов берилган далаларда ўсимликлар стресс ҳолатига тушади. Бунинг олдини олиш учун ишловдан 2–3 кун кейин таркибида гумин, фольво, микроэлементлар ёки таркибда озика моддалар комплекси (НАК) бўлган ўғитлардан қорал пуркаб фойдаланилса юқори ҳосил етиштириш учун имконият яратилади.

Такрорий экилган сабзавотлар сентябрь ойида ёппасига пишиб етилади. Асосий вазифа етилган саб-

завот маҳсулотларини ўз вақтида териб истеъмолчиларга етказишдир. Бунинг учун помидор, ширин қалампир, бақлажон, қовун, тарвузларни 5–7 кунда, бодринг, кабачки, патиссон 2–3 кун оралатиб териш лозим. Агарда ўз вақтида маҳсулот терилмаса унинг сифати пасаяди ва ўсимлик кучсизланиб ҳосили камаяди. Ҳосил териб олингандан кейин экин турига қараб гектарига 400–450 м³ ҳисобида суғориш лозим. Ҳозирги кунда картошка экинни озиклантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Агарда август ойида картошка экин тўлиқ озиклантирилмаган бўлса, қолган ўғитларни тезда эгат орасига солиш ва суғориш лозим. Суғоришни ҳар 8–10 кунда, кечаси гектарига 400–450 м³ меъёрида суғориш, ўсимликнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Шу кунларда айрим сабзавотларни йиғиб олиш авжида.

Ширин қалампир жуда ўзига хос ўсимлик бўлиб, унинг мевасини кўклигида ҳам, қизарганида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Ширин қалампир кўклигида йиғиб олинса, ҳосил миқдори нисбатан кўпроқ бўлади. Кўклигида йиғиб олинмаса, 20–30 кун ичида қизил тусга қиради ва мевасида А ва С витаминлари миқдори анча ошади. Ҳосил йиғишда меваларни кесиб олишга ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда экин новдалари синиб кетиши мумкин.

Бодринг мевалари 5 см. дан катта бўлгандан бошлаб йиғиб олиш мумкин. Ҳосилдан йиғиб олишда новдаларга қарор етказмаслик керак. Бодринг узоқ муддат сақлашга мойил бўлмаганлиги боис, янги узилган мевалар қисқа муддатда истеъмолга ёки қайта ишлашга жўнатилиши лозим.

Оқ бош карам асосан қўл кучи ва маҳсул машиналар ёрдамида териб олинади. Оқ бош карамни 2–4 дона барги билан узиб олиш тавсия этилади.

Гул карам ҳосилни йиғиш ҳар 6–8 кунда амалга оширилади. Ҳосилни йиғишда сочилиш бошланишига яқин ҳолатда турган бошлар пичоқ билан узилади. Узишда гулпоянинг бироз қисми бошда қолдирилади. Товар бошлар яшикка бир қатор қилиб шундай жойлаштириладики, бунда уларнинг маҳсулдор қисми юзага имкон қадар камроқ тегиши лозим. Такрорий гулкарамда бошларининг шаклланиши узоқ давом этади, шу боис ҳосил танлаб узилади. Биринчи йиғим сентябрь охирида ўтказилади ва октябрь охирига давом этади.

Сабзича ҳосил этилиб, йиғиш пайти яқинлашганда ўсимлик суғоришдан тўхтатилади, ҳосил сараланиб йиғиштириб олинади. Ёзги муддатларда экилган сабзи ҳосили эса октябрь-ноябрь ойларида йиғиштириб олинади.

Такрорий **ош лавлаги** октябрь ойида йиғиб олинади.

Шолғом ва турп экинлари совуққа чидамли бўлса-да, илдизмева тупроқ музламасдан олдин – ноябрь ойида йиғиб олиниши керак. Ўртача 10–15 см катталикдаги турпнинг, 6–8 см катталикдаги шолғомнинг сифати юқори бўлади.

Такрорий экилган картошка октябрь ойида кавлаб олинади. Маълумки, картошка туганаклари 25–30 см чуқурликда шаклланади, шунинг учун кавлаб олиш мосламасини 35 см чуқурликка ботадиган қилиб ростлаш лозим. Тупроқ нам бўлса, картошка бешикаст кавлаб олинади.

Р.НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Ф.РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,
М.ХОЛДОРОВ, б.ф.н.,
(СПЭВАКИТИ).

ДАЛА КЎРКИ МЕҲНАТ БИЛАН

Жиззах вилояти Дўстлик тумани фермер хўжаликларининг пахта далаларидаги кўсақлар бу йилги хирмон баракали бўлишидан дарак бермоқда.

Биз туманидаги “Баҳромов Шербек” фермер хўжалиги далаларида бўлиб, хўжалик раҳбари Анвар Шербеков билан суҳбатлашдик.

Қаҳрамонимиз туманида ўз меҳнати билан элга танилган Анвар Шербеков 1958 йилда Тошкент вилоятининг Пскент туманида туғилган. Янги ерлар ўзлаштирилиши учун кўпгина вилоятлардан тажрибали ишчи-деҳқонлар янги очилган кўриқларга сафарбар қилинган даврларда, 1963 йилда унинг отаси раҳматли Баҳром Шербеков оиласи билан Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги Навоий жамоа хўжалигига кўчиб келади ва бригадир бўлиб кўп йиллар ишлайди. Тақдир тақозоси билан 1975 йилда бу оила Жиззах вилоятига кўчиб ўтади. Дўстлик туманида 1100 гектар ерда Баҳром ота звено бошлиғи, кейинчалик бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Бугун мана шу “қозонда қайнаб” халққа танилган Анвар ака ҳам отаси каби катта ҳаёт йўлини босиб, ўз хўжалигини ривожлантириш йўлида меҳнат қилмоқда.

— Отамнинг асосий касби механизаторлик эди, қўйчилик, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланардилар. Қаерда бўлса ҳам, пахта, ғалла, пилла режаларини ортиғи билан уддалаб элда обрў топганлар, — дейди Анвар ака. — Отам, бир йигитга қирқ хунар оз, болам, ўқинглар, ўрганинглар, ишлаган, меҳнат қилган одам саодатли яшайди, дегувчи ва бизнинг бир муддат вақтимиз бекорга кетишини истамас эдилар. Шу сабабли, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кириб. 1981 йилда битказгач, дастлаб иқтисодчи бўлиб ишладим. Туман қишлоқ хўжалиги бўлимида бош иқтисодчи, 1995-2011 йилларда Дўстлик туман ҳокимлигида қатор вазифаларда, 2011 йилдан М. Дадажонов номидаги ФХХУ ва фермер хўжалик бошқарув раҳбариман. Умр эса кутиб турмаскан, бирпасда ёшимиз 60 дан ошиб, бобо бўлдик. Бугун ота-онам берган тарбия асосида фарзандларим, невараларимнинг бекорчи бўлишини истамайман. Бекорчилик — беорчилик келтириб чиқаради, инсон меҳнати билан қадрли.

Фермер хўжалиги 170 гектар экин ерига эга. 80 гектарга экилган ғалла ҳосили баракали бўлиб, давлат режаси биринчилардан бўлиб ўз вақтида ошиғи билан удаланиб, қўшимча 22 центнер ғалла хўжалик аъзоларига тарқатилди. Ғалладан бўшаган 30 гектар ерга мош экилиб, қолган ерлар хўжалик аъзоларига экин экишлари учун ажратилди. Олимларимиз томонидан энг яхши пахта

навларидан бири деб топилган “Ан-Боёвут” нави экилган 90 гектар пахта майдонларидаги пахта ниҳолларининг бўлиқ кўсақлари бирин-кетин очила бошлади.

Тажрибали сувчилардан Шухрат Қодиров хўжалиқда иш бошқарувчи вазифасини ҳам сидқидилдан уддалаб, фермерга суянч бўлмоқда. Унинг айтишича, барча агротехника қоидалари ўз вақтида бажарилган. Механизаторлардан Ўқтам Назаров, Фарход Шербеков, Шерали Йўлдошевлар касбига садоқат билан ёндашадилар.



— Дастлаб хўжалиқда иш бошлаганимизда ерларнинг мелиоратив ҳолати талабга жавоб бермас, ҳосилдорлик анча паст эди. Ер ҳам қаровни талаб қилади, — дейди А. Шербеков. — Вақтида ишлов ва озуқа бериш билан йилдан-йилга ҳосил чўғи кўтарилди бошлади. Аввал жуда қўрқардим: Ерни олишга олдим, унумдорликни қандай ошираман, агар режани уддалай олмасам одамлар орасида қандай бош кўтариб юраман? — деган ўй-ҳадик мени қийнарди. Техникани шай қилиш учун ҳаракат қилдик. Ҳар йили ортирилган маблағ ҳисобига ўзимизга улов олмадик, хўжалиқка техника олдик. Бугунги кунда 100 фоиз техникага эгамиз, ҳеч кимга ёлвормай, ўзимизнинг кучимиз билан иш олиб борамиз.

Ҳа, хўжалиқ ўтган йили 250 млн. сўм умумий даромадининг соф фойдаси бўлган 190 млн. сўмга Лизинг асосида МТЗ-80 чопиқ трактори сотиб олди. Оилада эса

ўғилларнинг тўртинчисига тўй қилишди. Бундан ташқари хўжалик аъзоларининг тўймаъракалари, байрам кунлари, таътиллари учун ҳам анча маблағ сарфланди. Бу йилги маблағга юқори унумли ҳайдов трактори олишни режа қилаётган хўжалик аъзоларининг ниятлари катта.

Инсон ҳаётида оила доимо етакчи роль ўйнайди. Анвар аканинг турмуш ўртоғи Матлуба Саидназаровани ҳам тумандаги ҳар бир хонадон яхши танийди, “элнинг онаси” деб қадрлайди. Чунки у 1985 йилдан шифокор сифатида доялик вазифасини шараф билан уддалаб келмоқда. Шуниси қизиқки, оилада 5 нафар ўғил фарзанд бўлиб, уларнинг тўрттаси ота касби — иқтисодчиликни танлади. Оиланинг

кичиги Шербек эса шифокорликка ихлос қўйди. Хўжалиқда ҳар йили 6 қути ипақ кўртидан 370 кг. олий навли кумуш тола етиштирилади. Бу ишларга келинлар Хосият ва Дилноза Шербековалар бошқош. Фермернинг муносиб қаршилаётган дала-севар, шижоатли элдошларимизга чин дилдан йил сермахсул, қувончли ва зафарларга бой бўлишини тиладик.

Оқликка бурканаётган кенг дала бошида Анвар акага омад, саодатлилик истаб хайрлашар эканмиз, Мустақиллигимизнинг 28 йиллигини муносиб қаршилаётган дала-севар, шижоатли элдошларимизга чин дилдан йил сермахсул, қувончли ва зафарларга бой бўлишини тиладик.

СУРАТДА: Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасининг ҳосилоти Жаҳонгир Абдуллаев ва хўжалик раҳбари Анвар Шербеков пахта даласида.

Ў мухбиримиз.

**Мамлакатимиз иқтисодиётини
ривожлантириш, эл-юрт фаровонлигини
таъминлаш йўлида меҳнат
қилаётган барча юрдошларимизни**



Истиқлол айёми билан қутлаймиз!

**«Норин-Сирдарё» ИТХБ
қошидаги НСЭАБ
жамоаси**



ЗАРБДОР ОНЛАРНИНГ ЗАЛВОРЛИ ДАМЛАРИ

Дехқон учун долзарб дамлар бошланди. Сидқидилдан қилинган меҳнат самараси – мўл ҳосил етиштирилди. Шуни эътироф этиш керакки, бу йил ҳам дехқон учун осон кечмади. Аслида унинг учун сўнгги йилларда қулай келган мавсумнинг ўзи йўқ. Эрта қўқламнинг серёгин келиши дехқонларимиз учун озмунча ташвиш келтиргани айтиш ҳақиқат. Кечаю кундуз тинимсиз меҳнат, ғўзанинг агротехник талаблар асосида парваришланиши, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш каби саъй-ҳаракатлар туфайли пахта майдонларида мўл ҳосилга замин яратилди.

Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам фермер ва дехқонлар, ташаббус кўрсатиб, ғўзанинг ривожланиши ҳолатидаги ўта масъулиятли паллада «Ўзадан кафолатли ҳосил яратишнинг 50 кунлик зарбдор ойлиги» деб эълон қилиб, бу муддатда муҳим агротехник тадбирларни амалга оширган эди. Зеро, айнан ўша дамда ғўза майдонларида бажарилган сифатли агротехник тадбирлар бугунги яратилган мўл ҳосил ва юқори даромад, кафолати бўлиб хизмат қилгани аниқ.

Маълумки, август – дехқон учун энг масъулиятли ой бўлиб, ушбу пайтда қилинган фидокорона меҳнат ҳосил тақдирини белгилаб беради. Айтиш жоизки, экин маромида ривожланиб, мўлжалдаги ҳосилни тўплашида тўғри суғоришнинг аҳамияти катта. Сабаби,



бу энг нозик агротехник тадбирлардан бири бўлиб, сифатли бажарилсагина, шаклланган ҳосил нишонларини сақлаб қолиш ва уни қўпайтиришга хизмат қилади.

– Ўза парваришидаги энг муҳим тадбир – бу суғориш бўлиб, у ҳосил тақдирини ҳал этади, – дейди Миёнкол-тос ирригация тизими бошлиғи, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Ақтам Усмонов. – Боиси, қатор ораларига экин ҳолатидан келиб чиқиб, сув таралса, ғўзалар кўнглидагидек қонади. Натижада кўсақларнинг мағзи тўқ, пахтанинг сифати юқори бўлади. Халқимизнинг “Асад суви – асал суви” деган пурмаъно ҳикмати ҳам бор. Шуни эътиборга олган ҳолда қатор ораларига таралган оби-ҳаётнинг ниҳолга асалдек қувват бериши учун уни чўллатиб ҳам, кўллатиб ҳам қўймасликка аҳамият бердик. Чунки ғўза чанқаса, гул ташлайди. Битта гулнинг тўкилиши битта кўсак нобуд бўлди, дегани. Борди-ю кўллатиб суғорилса, ғўза бўйига зўр бериб, ғовлаб кетади. Шунинг учун бу юмушни экин ҳолати, ер шароити инобатга олинган ҳолда, оби-тобида бажардик ва энди далалардаги очилаётган лўппидек пахталарни кўриб, мўл ҳосилдан умид қилмоқдамиз.

Вилоятнинг Нарпай туманида ҳам 10 минг 700 гектардан зиёд майдондаги умид билан парвариш этилган пахтазорларида бугун ҳосил пишиб етилди. Шу кунларда оқликка бурканган дала-

лар, мўл ҳосилга кирган ғўзалар ўз вақтида қилинган машаққатли меҳнат нишонларидир.

– Ўз ойларида сув мўл-кўл бўлиб, ғўза парваришини кўнглидагидек олиб бордик, – дейди Нарпай ирригация тизими бошлиғи Ҳикматилла Аҳмедов. – Туманимизда ҳар йилгидай, ортирилган тажрибамиздан келиб чиқиб, ғўза парваришида муҳим бўлган пайтда сувни қатор оралатиб, “шарбат” усулида таратдик. Шундай қилинса, сув юрмаган жўядан ғўза илдизига етарли миқдорда ҳаво ўтиши таъминланиб, бундан ташқари, тупроқдаги иссиқлик ҳам талаб даражасида бўлади. “Шарбат” эса намликни узоқ сақлаши баробарида, экинни қўшимча озиклантириш имконини ҳам берибди. Шу каби амалларимиз ва пахтакорларимизнинг тинимсиз меҳнатлари туфайли, ҳозир далаларда ҳосил мўл тўпланди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда туманда сув тежамкорлигига эришиш мақсадида, тумандаги “Мароқанд сифат” МЧЖ кластер ҳўжалигининг 3320,8 гектар майдонидан 1500 гектарга томчилатиб суғориш технологияси жорий қилиниб, мавсум давомида тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиш усулида экин майдонлари суғорилди ва бугун ҳосилдорлик қутилгандан анча кўп.



Дарҳақиқат, амалда тасдиқланишича, томчилатиб суғориш технологиялари ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосил унумдорлигига эришишда, юқори самарадорликка эга. Бугун барчанинг шу каби муштарак мақсадли амаллари билан парваришланган ғўза ниҳоллари, бекаму кўст ҳосилга кириб, пахта хирмони қутилганиданда юксалмоқда.

Ш. НОРМУРОДОВ

Суратларда: (чапдан) Нарпай туман ирригация бўлими бошлиғи Анвар Раҳимов, Нарпай ирригация тизими бошлиғи Ҳикматилла Аҳмедов, бошлқ ўринбосари Шавкат Эшқовилов; Миёнкол-тос ирригация тизими бошлиғи Ақтам Усмонов (ўртада) шогирдлари билан.



*Юртимиз равнақига ҳисса қўшаётган,
эл дастурхонининг тўкинлигини
таъминлаётган фермерларимизни,
қишлоқ хўжалиги ходимларини
Мустақилликнинг 28 йиллиги билан
самимий табриклаймиз.*

*Эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин,
бахту саодат, қувончли кунлар
доимий ҳамроҳингиз бўлсин!*

**“РОМИТАНДАВСУВМАХСУСПУДРАТ”
ДУК жамоаси**

**Серқуёш Ўзбекистонимиз
аҳлини энг улуғ ва энг азиз
байрамимиз –**



**Мустақиллигимизнинг 28 йиллик айёми
билан самимий муборакбод этамиз.**

**Бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, сиҳат
саломатлик ва оилавий тотувлик ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин, азиз юртдошлар!**

**Қуйи Сирдарё
ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси**





«ЎЗТРАНСГАЗ» АЖ

*Жиззах вилояти бўйича ҳудудий газ
таъминоти филиали юртимизнинг
барча меҳнаткашларини*

Истиқлолнинг 28 йиллиги

билан табриклайди.

*Халқимизнинг йўли ҳамиша ойдин,
келажаги порлоқ бўлсин!*



Юртдошларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаёт фаровонлигини ошириш, уларнинг дунёнинг энг ривожланган давлатлари аҳолиси каби ҳеч нарсадан зориқмай умргузаронлик қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш – давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг асосини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 4 май куни қабул қилинган «Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор буни ёрқин тасдиқлайди.

Бугун Жиззах вилоятида давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорини ҳаётга татбиқ қилиш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларни таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси Давлат унитар корхонасининг ҳудудий бошқармаси зиммасига юкланган. Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида ана шу идорага ташриф буюрдик.

– Мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда сўнгги йилларда инвестиция дастури доирасида ҳамюртларимиз, биринчи навбатда кишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, сув ва канализация тармоқларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда, – дейди бошқарма бош мутахассиси Норбой Эгамов. – Жумладан, жорий йилда вилоятда инвестиция дастурига

ТОЗА СУВ ТАНГА ДАВО

биноан ичимлик суви ва оқова сув объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 6 та йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Уларнинг энг йириги, долзарби ва тарихий аҳамиятга эга бўлгани “Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятининг ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш” лойиҳаси ҳисобланади. Унга кўра, 470 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши, узунлиги 183 километр бўлган сув тармоғи, сув

кўтариш ва тозалаш иншооти, 10 минг кубометр сиғимли сув сақлаш иншооти қурилиши амалга оширилади. Натижада, вилоят маркази ва 7 та туманда яшовчи 600 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланади.

Гап одамларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида кетаётган экан, бу борада Фориш туманида амалга оширилаётган лойиҳа тафсилотларига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида туман марказининг узоқ йиллар давомида ариқ сувини ичиб келган 30 минг нафар аҳолиси соф ва экологик тоза оби ҳаёт билан таъминланади. “Жиззах 21-трест” масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини шу йилнинг сўнгига қадар якунлаш кўзда тутилган.

– Биз ўтган йил-



нинг октябрь ойидан бошлаб мазкур объектда иш олиб бораёмиз, – дейди жамият раиси Абдулла Юсупов. – Объектнинг умумий узунлиги 23 километрни ташкил этади. Бугунгача 10 километрдан ортиқ масо-

фадаги ишларни якунига етказдик. Ишлар белгиланган жадвал асосида бормоқда ва биз ушбу объектни йил охиригача якунлашни кўзлаб турибмиз.

Айтиш кераки, мазкур объект учун зарур бўладиган асбоб-ускуна ва

жиҳозларни хорижлик ҳамкорлар, биринчи навбатда Россия компаниялари етказиб бормоқда. Қувурлар эса, Фарғона полимер заводидан келтириляпти. Айни кунларда бу ерда 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи, 20 тадан ортиқ махсус техника ишлаб турибди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” сифатида тарихда қоладиган жорий йилда Жиззах аҳлини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги бундай ишлар нафақат инвестиция дастури, балки яна “Обод кишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Илғор ҳудуд” дастурлари доирасида ҳам, деярли, барча шаҳар ва туманларда давом эттирилмоқда.

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратларда: Жиззах вилоятида ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини барпо этиш ишлари акс этган.



БУГУНГИ АМАЛ — КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА ТАМАЛ

Суғориладиган ерларда мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, ернинг унумдорлигини оширишда ва ҳосилдорликни кўпайтиришда муҳим омил саналади. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш учун суғориш тизимини яхшиланиб бориши, фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқаларидан юқори ҳосилдорликка эришишда муҳим роль ўйнайди. Шу мақсадда жорий йилда Самарқанд вилоятида ҳам тармоқда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

“Самарқандсувқурилишинвест” давлат унитар корхонаси буюртмачилигида вилоятда, 2019 йилда дастур асосида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун жами 144 млрд. 31 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, бугунги кунда дастурга мувофиқ, экин майдонларига сув чиқариш ва суғоришга ихтисослашган объектларни таъмирлаш ишлари ани авжида.

Вилоятда мелиорация ва ирригация иншоотларини қуриш, қайтақуриш ватаъмирлаш ишларини асосан, замонавий хориж техникалари билан таъминланган, “Самарқандсувмахсуспудрат”, “Булунғурдавсувмахсуспудрат”, “Оқдарёдавсувмахсуспудрат”, “Нарпайдавсувмахсуспудрат” каби давлат унитар корхоналари бажармоқда.

– Жорий йилда вилоят бўйича ирригация объектларида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича йилдан йилга ўтувчи 9 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, шундан Пастдарғом туманидаги “Хончорбоғ” каналини реконструкция қилиш объекти бўйича, пудратчи “Самарқандсувмахсуспудрат” масъулияти чекланган жамияти, Ургут туманидаги “Камонгорон” сув омборининг 2-босқич қурилиши объекти бўйича, пудратчи “Ўзмахсуссувқурилиш” давлат унитар корхонаси, Иштихон туманидаги “Янгикент” каналини реконструкция қилиш объекти бўйича, пудратчи “Суғдиёна Мармар Қурилиш” хусусий корхонаси, Пастдарғом туманидаги “Анхор” каналда сув ташламадини реконструкция қилиш объектида, пудратчи “Самарқандсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси, Самарқанд туманидаги “Наврўз” насос станциясини қуриш объекти бўйича, пудратчи “Сувмаш” АЖ, Самарқанд шаҳридаги Буюк Ипак йўли кўчаси бўйлаб ўтган “Жарариқ” каналнинг реконструкция қилиш объекти бўйича, пудратчи “Самарқанд Тонг шободаси” масъулияти чекланган жамияти, Пайариқ туманидаги “Накурт”, “Култусин” ва “Ғаллакор” маҳаллаларидаги 245 гектар ерларни ўзлаштириш учун, 20 дона қудуқлар қазилар бўйича эса, пудратчи “Самарқандсувмахсуспудрат” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан қурилиш ишлари тармоқ жадвали асосида

олиб борилмоқда,– дейди “Самарқандсувқурилишинвест” ДУК муҳандиси Исмоил Абдураззоқов.

Бугунги кунда жойларда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш ҳамда олис қишлоқларимизни кўркам масканларга айлантириш мақсадида, “Обод қишлоқ” дастури асосида ҳар бир тумanning чекка ҳудудларида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. “Самарқандсувқурилишинвест” давлат унитар корхонаси ходимлари ҳам ушбу эзгу мақсад ижроси йўлида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

– Жорий йилда “Обод қишлоқ” дастури доирасида барча туманларимизда кенг камровли ишларни амалга оширмоқдамиз,– дейди “Самарқандсувқурилишинвест” давлат унитар корхонаси бош мутахассиси Файзулло Маҳмудов. – Жумладан, Самарқанд туманидаги “Янги Ургут” каналини реконструкция қилиш, Пастдарғом туманидаги “Чимбой” каналини реконструкция қилиш, Булунғур туманидаги “Чангал” каналини реконструкция қилиш, Иштихон туманидаги “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Бўстон” каналини реконструкция қилиш, Каттақўрғон туманидаги “Валижон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Валижон” каналини реконструкция қилиш, Нарпай туманидаги “Гулистон”

маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Ислом Шоир” каналини реконструкция қилиш, Нурабод туманидаги “Улус” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Улус” каналини реконструкция қилиш, Оқдарё туманидаги “Фармонобод” каналини реконструкция қилиш, Пастдарғом туманидаги “Беклар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Беклар” каналини реконструкция қилиш, Пахтачи туманидаги

“Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Сулув” каналини реконструкция қилиш, Самарқанд туманидаги “Паррандачилик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Паррандачилик” каналини реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш орқали қишлоқлар суғориш тизимини яхшилаш баробарида уларнинг замонавий қиёфа касб этишида ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Албатта, бу каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, ҳудудларда сув таъминотини яхшилаш баробарида, фермер хўжалиқларининг ҳамда аҳоли томорқасининг қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорлиги ошишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: “Самарқандсувқурилишинвест” ДУК муҳандиси Исмоил Абдураззоқов ишчиларга тегишли кўрсатма бермоқда.



КЎНГИЛЛАРДА ФАХР, ИФТИХОР!

Истиқлол неъматининг қадр-қимматини бунёдкор халқимиз куч-қудратида, бетакрор ва саховатли заминимизнинг улкан имкониятларида оқилонга фойдаланишда, яратилган шарт-шароитларда кўриш мумкин. Юртдошларимиз билан дилдан суҳбатлашсангиз ўзлимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни англаш, урф-одат ва анъаналаримизни улуғлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича авваллари тасаввур ҳам этиб бўлмайдиган улкан имкониятлар эшиклари очил-

ганлиги ҳақидаги эътирофларни эшитасиз. Айниқса, юртимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик тўйини кенг кўламда, юқори кўтаринкилик руҳи билан нишонлашга тайёргарлик ишлари авж олаётган паллада бундай эътирофлар барча юртдошларимиз кўнглидан ўтаётгани шубҳасиз. Шундай байрам шукўҳи кезаётган дамларда Наманган вилоятида фаолият юритаётган “Попдавсувмахсуспудрат” ДУК раҳбари Бобуржон Раҳимов муҳбиримизга куйидагиларни сўзлаб берди.

– 1990 йилда Наманган шаҳрида туғилганман. 2011 йили Наманган муҳандислик институтини тамомладим. 2014 йилдан сув хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётман. Биринчи устозим Жобирхон ака Муҳиддинов “Бобуржон ишчилар билан доимо ҳамнафас бўл, уларнинг муаммоларини ўзининг муаммоинг, деб билгин”, дердилар. У кишининг насиҳатларини ўзимнинг ҳаётдаги шиорим деб қабул қилганман. Жорий йилдан “Попдавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонасида раҳбар бўлиб ишлаб келяётман. Корхонамизда Одилжон ака Бўриев, Собиржон ака Шаропов каби қаби ўз касбининг етук мутахассислари меҳнат қилишади. Улар билан кенгашиб, маслаҳатлашиб ишлаётганимиз туфайли корхонамиз йил сайин ривожланиб бормоқда.

Корхонамиз Поп шаҳри ҳудудида жойлашган. 57 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Корхонамизда ишчилар учун барча қулайликлар яратилган. Техникаларни таъмирлаш устахонаси доимо ишчиларимиз хизматида. Бешта объектда ишлаётган ишчиларимизга яшаш учун барча шароит мужассам бўлган бешта дала вагонларини харид қилганмиз. Замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бизнинг биринчи навбатда амалга оширган ишимиз техникаларимизни янгилаш бўлди. Чунки кўп ёнилғи талаб қиладиган, иш унумдорлиги паст техникалардан воз кечдик ва “Ўзтелиомашлизинг” давлат лизинг компаниясидан 29 та замонавий, иш унумдорлиги юқори бўлган техника харид қилдик. Шундан 11 таси экскаватор бўлса, 5 таси бульдозердир. Бундан ташқари, автоустахона, вагон-уй, автосамосвал, автобетонқориш, пайвандлаш агрегати, тракторлар, мобилбетон қориш агрегати ва автокранларимиз ҳам лизинг асосида харид қилинди. Халқимизда



“Иш курулинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур”, деган ажойиб нақл бор. Биз ҳам мана шу нақлга амал қилганимиздан сўнг иш унумдорлигимиз ошди. Албатта, ишчиларимизнинг ойлик маошлари ҳам сезиларли даражада кўпайди. Ҳозирда ҳар бир ишчимиз ўртача 2,5–3 миллион сўм маош олади. Иш ҳақининг юқорилиги, албатта, бажариладиган ишнинг сифатига таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, республикамизда фаолият юритаётган “Давсувмахсуспудрат” давлат унитар корхоналари ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишда муҳим объектлар ҳисобланади. Уларнинг йиллар давомида амалга оширган тадбирлари натижасида ернинг ҳолати яхшиланиб, об-ҳаёт билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда.

Корхонамиз жорий йилги тендерда қатнашиб, 7 миллиард 460 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш имкониятини қўлга киритдик. Биргина Поп туманидаги хўжаликлараро Аччикқўл коллекторини 65 километри, Сирдарё коллекторини 30 километри, Қорақалпоқ коллекторини 50 километрида таъмирлаш-тиклаш ишлари бажариляпти. Бундан ташқари, Наманган вилояти туманларида жойлашган 135 та кузатув кудуқларида ҳам таъмирлаш

ва тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари доирасида Поп туманидаги Найман АВП ҳудудида 2 километр коллектор қуриш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилди. Корхонамиз ишчи-ходимлари бир нечта ирригация объектларида ҳам фаолият олиб боришмоқда. Поп туманидаги Жийдалисой сув омборига қуйилувчи канални қайта қуриш ишлари жадал давом этмоқда, Жабборсой акведукини ПК995+85 ҳудуди биринчи тармоғини қайта қуриш ишларини кузда ҳосил йиғиб олиниб, сойда сув тўхтатилгач, бошлаймиз ва умид қиламанки, қисқа вақт оралиғида якунлаймиз.

Юртимизда фаолият юритаётган барча қурилиш корхоналари ўз имкониятларидан келиб чикан ҳолда “Обод қишлоқ” Давлат дастурининг амалга оширилишига ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Бизнинг корхонамиз ҳам ушбу дастур доирасидан четда эмас. Жорий йилда Чортоқ туманидаги Алихон сой объектида 946,2 миллион сўмлик дамба қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини олиб бордин. Натижада юзлаб гектар аҳоли томорқалари, деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжалиқларининг экин майдонларига сувнинг ўз вақтида йўқотишларсиз етиб боришини таъминлашга эришдик.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз қишлоқ ва сув хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни кенг ёритиб бораётган “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали жамоаси ва ўқувчиларини мустақиллигимизнинг 28 йиллик тўйи билан табриқлайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Ўз муҳбиримиз **К.ЭРГАШЕВ**
ёзиб олди.

Суратда: “Попдавсувмахсуспудрат” ДУК
раҳбари Бобуржон Раҳимов.

Инсониётга ато этилган улуғ неъматлардан бири бўлган сув ҳаётимиз манбаидир. Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув ресурсларидан фойдаланишнинг кенг қамровли тизимларини йўлга қўйиш орқали сув танқислиги муаммоси бартараф қилинмоқда. Бунинг учун тажрибали ирригация-мелиорация ходимлари, мироблар-мелиз тиним билмай меҳнат қилмоқдалар. Улар сафида олиму зиёлилардан тортиб, касбига фидойи экскаваторчилар, бульдозерчилар, юк ташувчилар, оддий ишчилар ҳам бор.

Президентимизнинг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан Давлат унитар корхоналари томонидан ирригация-мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди. Бу борада “Сармич” сув омборига ҳам эътибор қаратилди. Аслида сел-тошқин ва булоқлар сувларидан йиғилган сувлардан иборат бўлган бу сув омбори таъмирталаб бўлиб қолган эди.

Мамлакатимиз Президентининг ташрифи чоғида жиизахлик отахонларнинг тақлифи билан сув омборида бошланган хайрли иш бугун амалга ошмоқда. Буюртмачи ташкилот “Жиизахсувқурилишинвест” ДУК, бош лойиҳачи “Ўзсувлоиҳа” АЖ, бош пудратчи “Учтепадавсувмахсуспудрат” Давлат унитар корхоналаридир. Янгиобод туманида суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида “Сармич” сув омбори ва 2 км суғориш тармоғини реконструкция қилиш, 10 донга тик суғориш қудуқлари қуриш ишларини Жиизах вилоятига ирригация объектлари учун ажратилган капитал маблағлар ҳисобидан 2019 йил 1 декабрга қадар амалга ошириш. Ҳозирги кунда бу ерда иш унумига эътибор қаратилмоқда.

Йил охиригача бу объектни тўла таъмирлаб, реконструкция ишларини тугатиш кўзда тутилган.

– Зафаробод туманидаги “Ёрқин” ҚФЙ ҳудудидаги коллектор тармоқларидаги таъмирлаш-тиклаш ишлари 100 фоиз бажарилди. Зарбдор туманидаги “Оқ олтин”,

ДЕҲҚОНГА МАДАДКОР МИРОБЛАР

“Мустақиллик қуёши”, “Кериз”, “Бўстон”, “Истиқбол”, “Нурафшон”, ва “Шарқ юлдузи” Фермер хўжаликлар ҳудудий уюшмаларида коллектор-дренаж тармоқлари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари 80 фоизга уддаланди, – дейди “Учтепадавсувмахсуспудрат” корхонасида директор вазифасини бажараётган Шўхрат Саримсақов.

Жумладан, Зомин шаҳарчасидаги “Зоминсой” каналида ҳам бу йилга белгиланган иш режалари уддаланиб, аҳоли ва фермер хўжаликларнинг сув билан таъминланиши намунали йўлга қўйилган.

томашина, 1 та Дунапак, 1 та КАМАЗ русумли дренаж ювиш махсус техникаси ва бошқа керакли жиҳозлар мавжуд бўлиб, уларнинг қарови ва таъмирланишига бош техник-муҳандис Асад Абдуҳолиқов жуда эътиборли.

Техника ва ишчи кучига таянган корхонада ҳали қилинадиган ишлар анчагина. Навбатини кутаётган вазифалар аниқ қилиб режалаштирилган. Бу аҳли жамоа йил давомида бажарилиши керак бўлган ишларнинг ҳозирда 90 фоизини бажариб бўлибди. Демак, ишлар меъёрида давом этмоқда.



Биз корхонада бош муҳандис Ғулом Абилов, бош мутахассис Муҳаммад Саримсоқов ва бошлиқ ўринбосари Акбар Ачиловларни олдиларига ёйилиб турган сув йўли тасвирланган картага қараганча қизғин баҳс қилаётган ҳолда учратдик.

– Корхонамизда 45 нафар ишчи-ҳодимлар меҳнат қилади, шундан 9 нафари олий маълумотли ирригация-мелиорация ходимлари, – дейди ҳодимлар бўлими назоратчиси Моҳира Жуманова.

Унинг айтишича, касаба уюшмаси томонидан ҳодимларнинг дам олиш ва байрам тадбирлари доимий уюштирилиб, илғор, ташкилотчи ҳодимларни рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Корхонада 8 та экскаватор, 2 та бульдозер, 4 жуфт ПДТ-200 агрегати, 1 та МАН трейлер, 1 та техник ёрдам кўрсатувчи ав-

тулоша қилиб айтганда, “Ўзсувқурилиш-таъминот” республика бирлашмасига қарашли “Учтепадавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси ходимлари мамлакатимиз Мустақиллигининг 28 йиллигини меҳнатда улкан ютуқлар билан қарши олмақдалар. Халқ дастурхонини тўқинликка бурковчи деҳқонларга мададкорлик, эл-юрт равнақи, обод, сўлим хиёбон ва гўшалар кўркемчилиги ва ривож йўлида меҳнат қилаётган ирригация ва мелиорация ходимларининг ҳар куни байрам бўлсин!

СУРАТДА: (чапда) корхона бош муҳандиси Муҳаммад Саримсоқов, муҳандис Ғулом Абилов, директор ўринбосари Акбар Ачиловлар иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар.

Ш.ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

МЕЛИОРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

Сув ҳўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муҳим жиҳатлардан бири, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида жами 274,6 минг гектар суғориладиган экин майдонлари бўлса, шундан 235,7 минг гектари турли даражада шўрланган ерлар бўлиб, бу ҳол тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигига доимо хавф солиб туради. Шу боисдан ҳам қишлоқ ҳўжалиги экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш учун ўзига хос агротехникани талаб этади. Шу мақсадда вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

– Вилоятимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва ерости сизот сувлари сатҳини меъёр даражасида ушлаб туриш учун 8 минг 675,4 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, шундан 1 минг 106,2 километр ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 3 минг 134 дона кузатув қудуқлари хизмат кўрсатиб келмоқда, – дейди “Бухоросувқурилишинвест” давлат унитар корхонаси бошлиғи Ваҳоб Носиров. – Вилоятда ўтган йиллар давомида, ҳукуматимизнинг тегишли қарорлар билан тасдиқланган Давлат дастурлари доирасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 12 минг 304 км коллектор тармоқлари, 1021 дона гидротехник иншоотлар, 796 дона тик дренаж қудуқлари, 15 дона мелиоратив насос станциялари қурилди ва таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунга келиб, юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши натижасида лойиҳа ҳудудларидаги суғориладиган майдонларда ерости сизот сувлари

сатҳи меъёр даражага туширилиб, мелиоратив ҳолатини яхшиланишига ва барқарорлигини таъминланишига эришилди. Натижада ушбу ҳудудларда ҳосилдорлик пахта майдонларида ўртача 2–2,5 центнерга, ғаллада 3–5 центнерга ошишига эришилди.

Вилоятдаги мелиорация ва ирригация иншоотларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари, замонавий хориж техникалари билан таъминланган “Шофиркондавсуммахсуспудрат”, “Ромитандавсуммахсуспудрат”, “Бухородавсуммахсуспудрат”, “Қоракўлдавсуммахсуспудрат” каби давлат унитар корхоналари ва бошқа сув ҳўжаликлари иншоотларини қуришга ихтисослашган пудратчи корхоналари томонидан бажарилмоқда.

Жумладан, “Шофиркондавсуммахсуспудрат” давлат унитар корхонаси томонидан жорий йилда 16 та объектда мелиорация ва ирригация иншоотларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шундан 118 км мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш, 9,4 км мелиорация объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилмоқда. Таъкидлаш керакки, тизимга замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелиорация тадбирларини сифатли бажариш ва ерости сув сатҳини пасайтиришда кенг имконият яратмоқда. Бу каби лойиҳаларни амалга оширишда корхонадаги 15 та экскаватор, 4 та бульдозер, техник ёрдам кўрсатиш автомашиналари ва шу каби қатор замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелиорация тадбирларини сифатли бажариш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш ишлари доимо соҳа ходимлари диққат-эътиборда. Ҳозирда ҳаётга татбиқ қилинаётган дастурлар, тизимли ишлар қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг муҳим устувор вазифаси – суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашнинг бош омилidir.

Зотан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, деҳқон ва фермерларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: (чапдан) бўлим бошлиғи Шўҳрат Аҳмедов, “Бухоросувқурилишинвест” ДУК бошлиғи Ваҳоб Носиров, лойиҳалаштириш бўлим бошлиғи Меҳриддин Мўминов ва бош муҳандис Рустам Адизовлар келгуси мелиорация ишларини муҳокама қилишмоқда.

Бухоро туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси
жамоаси

Ўзбекистон аҳлини
Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги
айёми билан самимий қутлайди!

Ҳар бир
хонадонда тинчлик-
хотиржамлик,
шод-хуррамлик ва қувонч
бардавом бўлсин!



1
Сентябрь



ЯХШИ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

**Сурхондарёга қадам қўйишингиз билан
энг қадим ва яқин ўтмиш уйғунлашиб, кўз
олдингизда намоён бўлади**

Асрлар олдинги тор кўчалар мозиини ёдингизга солса, кенг ва равон йўллар, соя-салқин боғ-роғлар, шинам, ораста кўчалар, кўкка қасд ростлаган замонавий бинолар шу куннинг улуғвор манзараси сизга ҳузур, фахр бахш этади.

Сурхондарёликлар тадбиркор, ҳаётдаги ўзгаришлардан донолик билан фойдалана олади. Сўзи билан иши бир, босган қадамига хос ва мос иш юритувчи одамларнинг борлиги боис ушбу маскан гўзал ва обод бўлиб бормоқда.

Менинг бу галги сафарим яна ўша гўзал қишлоқларию ажойиб одамлари билан машҳур Термиз туманига бўлди. Ишбилармон, меҳнаткаш, ҳар соҳада илғор фермерлар билан учрашиш учун ушбу туман ҳокимлигидаги мутасаддилар билан маслаҳатга чоғландим.

Деҳқонлари меҳнатини улуғловчи туман раҳбарлари тавсиясига асосан, туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Бекзод Беккулов ҳамроҳлигида ушбу туманнинг “Айритом Сардор” фермер хўжалиги раҳбари Дилафрўз Ҳасанованинг фермерлик фаолияти билан таниш-

дик. Покиза қалбини юз-кўзидаги табас-сум орқали намоён этувчи қаҳрамонимиз ҳар йилги режарини ортиғи билан бажаришга одатланган экан. – Биз Дилафрўз билан далада суҳбатлашдик.

18 гектар пахта майдони кўзни қувнатади. Ғалладан эса 70 центнердан ошириб хирмон кўтарибди. Бир гектар балиқхона, 30 бош қорамол, 100 та товуқ, 1 гектар боғ ҳам фермерники.

– Олинаётган даромаддан маҳалла гузари қуряпмиз, аҳоли ва меҳмонлар учун ошхона, сартарошхона, қассобхона, новвойхона, тикув цехи ташкил қилмоқчимиз. Худо хоҳласа, шу кунларда ишга тушириш арафасидамиз, – дейди у Дилафрўз билан аъло кайфиятда хайрлашиб.

Ушбу туманнинг яна бир миришкори, “Темирбобо” фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Темировнинг дилдаги сўзларини



билмоқ истагида дала шийпони-га йўл олдик.

Кўркам шийпон, гўзал гуллар ифорида олам яйраётгандай, гўё. Райҳону жамбиллар эса чарчоқни бир зумда тарқатиб юборади. Онажони Азаматхон опа ўғлига устоз-кўмакчи, доимо ёнида маслаҳатчи.

– 60 гектар пахта, 60 гектар ғалла майдонини алмашлаб экамиз, вақтида озиклантирамиз, сувни оби-тобида етказамиз, – дейди Азиматхон опа. – Натижада буғдойдан 75 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Пахтазорларимизни ҳам кўриб турибмиз, ушбу оппоқ момиқлардан ҳам 40 центнердан ошириб ҳосил оламиз. Келгусида асаларичиликни, қўй-эчкиларимизни кўпайтириб, иссиқхона ташкил этиш ниятидамиз.

Туман далаларида айланар эканмиз, илғор фермерлар бисёрлигига амин бўлдик.

Уларга омад ва бахт тиладик. Яхши ниятлари ижобат бўлаверсин.

Р.ТОЖАЛИЕВА.



ОРДЕНЛИ ЭКСКАВАТОРЧИ

Аъзамжон Байзақов экскаваторчиликни касб қилган бўлса-да, эл уни ордени қахрамон сифатида танийди. Албатта, бунинг замирида иссиғу совуқ демай қилинган машаққатли меҳнат, кескин тортишув ва ташвишларга тўла ҳаёт саҳнаси ётибди.

Мана 13 йилдики, “Учтепадавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонасида экскаваторчилик қилиб, белгиланган топшириқ ва вазифаларни ошиғи билан уйдалаб келмоқда. Биз уни Зомин туманидаги “Янги ҳаёт”, “Гулистон” ФХХУда коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ишларини олиб бораётган 8 нафар ишчи ходимлар орасида тушлик пайтида учратдик. Бирпас уларнинг гурунгиға кулоқ осдик ва Аъзамжон акани суҳбатға тортдик.

– Ҳиммат бир оддий тракторчиман, шу ишимдан кадр топдим, обрў топдим, – деди у. – Ҳаётдан завқланиб яшаш, меҳнатнинг роҳатини қўриш пешонамда борлигидан қувончдаман. Лойқаларға тўлиб кетган канал ва зовурларни тозалаш, бетон ётқизилгач, жилдираб, бир текис оқаётган сувни томоша қилишни хуш кўраман. Айниқса, сув қулоқларини далаларға тараб турган сув-

чилар чехрасига назар ташласангиз, нақада кадрли неъматни элга бахш этаётганингиздан шодланасиз. Битта дарахтнинг яшнаб туриши ҳам, одамзотнинг тинч ва баҳаво масканда шарқираб оқаётган сувларда меҳр билан қўл-юзларини ювиши ҳам ўзгача... Сув келтирган элда азиз, дейдилар. Бугун мен сув йўлларини тозаловчи ҳамкасбларим билан бирга эканлигимдан фахрланаман.

Агар қўлиб берсангиз, Аъзамжон ака шойрона чизгилар билан сув ҳақида анчагина гапирдилар. Объектда иш олиб бораётган иш юритувчи Асад Абдухолиқов, бульдозерчи Марлен Саитмететов, ишчилардан Хусан Тожибоев каби дўст-биродарлари қатори у ҳам кунлик режа ва топшириқларини 100-120 фоизга уйдалаб келмоқда.

Ҳа, “Ўзсувқурилиштаъминот” Республика бир-

лашмаси “Учтепадавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонасининг тажрибали экскаваторчиси А. Байзақов ҳам сувчиларимиз сафида деҳқончилигимиз мўл-қўлчилигини таъминлаш каби шарафли касбни қадрлаб меҳнат қилмоқда. Шунинг учун ҳам 2015 йилда у “Фидокорона меҳнатлари учун” ордени билан тақдирланди.

Экскаватор Рузига ёш йигитлардай илдам бориб ўтирган Аъзамжон ака билан хайрлашар эканмиз, ҳалол меҳнат қилган шахснинг ким бўлиб ишлашидан қатъий назар бугун қадрли, эъзози баланд бўлишига амин бўлдик.



СУРАТДА: Аъзамжон Байзақов.

Ўз мухбиримиз.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли жадал иқтисодий ислохотлар, қилшоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошдиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ер ресурсларидан, кимёвий ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш меъёрларига амал қилиш ҳам ҳосилга ҳосил қўлишда асосий омил бўлаётди. Деҳқончилик тамойилларидан оқилонга фойдаланган фермергина катта ютуқларга мустақкам пойдевор қўя олади.

Олтиариқ туманидаги “Ақромжон Олимжон обод” номли фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Охунжонов ана шундай фидойи таббиркорлардан.

– 35 гектар майдондаги пахталаримизни кўриб турибсиз. Оппоқ бўлиб очилган ғўзалардаги дурларға қаранг, – дейди Шерзод меҳнатидан фахрланиб. – Насиб қилса, даромадимиз ҳам меҳнат ютуғимиз каби мўл ва қувончли бўлади.

55 гектар майдондан 70 центнердан ғалла хирмончи уюлибди. Ўзи ва хўжалик аъзоларининг омири ҳам донга тўлибди. 3 гектар узумзор, ғалладан бўшаган жойларға экилган турли хил сабзавот экинлари баравж.

– Ўтган йили 200 миллиондан орттириб фойда олгандик. Насиб қилса, бу йил

300 миллион сўмға етиб боради, – дейди қахрамонимиз.

Боғдод туманидаги “Хайрун-Самарун” номли фермер хўжалиги раҳбари Мўминжон Абдурахмоновнинг иши ҳам сўзига мос ва хос экан.

– 53 гектар пахта, 85 гектар ғалла майдонидан олаётган даромадимиз чакки эмас, – дейди Мўминжон. – Ғалладан 78 центнер хирмон кўтардик, пахтадан 41 центнер ҳосил оламиз. Бу йил пахта озроқ кечки, лекин авжидан кўнгил тўқ.

Бир гектар иссиқхонадаги помидор, бодринг, кўкатлар эл дастурхонини беэаётганидан хурсанд фермеримизнинг ниятлари ҳали бисёр. 300 тонналик музлатгич қурмоқчи, балиқхона, асаларичиликни ривожлантиришдек эзгу мақсадлари йўлида тинмай изланмоқда, ўрганмоқда.

Фурқат туманидаги “Шаббода-Н” номли фермер хўжалиги раҳбари Нурали Ғаниев фаолиятини кузатиб, балли, илғорларға тасанно, дегим келди.

63 гектар пахта майдонларидаги ҳосил кўзни қувнатади. 40–45 центнердан дуру гавҳар йиғиб олиниши аниқ. 60 гектардаги ғалла майдонидан 75 центнердан ошариб хирмон кўтарибди. 210 бош қорамол, рисоладагидек боқилиб, даромадга даромад қўшмоқда. Эътиборли жиҳати, 108 нафар ишчилар учун меҳнат дафтарча очилган. Сутни қайта ишлаш цехида 8 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Хуллас, Нурали акадай фер-

мерларимиз кўпайса, юртимиз янада обод, халқимиз дастурхони тўкин бўлиши аниқ, шундай бўлади ҳам.

Фарғона тумани “Улуғбек Умид” фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Жума Сулаймонов ҳам Фарғона вилоятида пешқадамлар қаторида экан. Аҳиллик, бир сўзлик фермер ва унинг аъзоларига хос фазилат. Ҳар йилги режалар ортиғи билан бажарилгач, юзлар ёруғ, кўнгил тўқ, ҳаёт эса ғўзал. Муҳаммад Жума ака қачон, қаерга, қандай ишлов беришнинг ҳадисини олган.

70 гектар пахта майдонидан 40 центнердан ошириб ҳосил йиғиб оламиз. Ғалла майдонимиз 60 гектар бўлиб, 70 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Ерларимиз паст текисликдан иборат, – дейди қахрамонимиз. – Қайта-қайта ишлов бериб, оби-тобига келтириб олдик.

Фермер хўжалиги аъзоларининг бир пиёла чой устида ҳангомалашиб, ҳазил-мутоба қилиб ҳордиқ чиқараётганларини кўриб ҳавас қилдик. Биз ҳам улар гурунгиға шерик бўлдик. Аския, кулгуға бой фарғоналиклар кайфиятлари аъло. Ҳа, ана шунақа меҳмондўст, ҳазилкаш, самимий – Фарғона халқи. Емасангиз егизади, кулмасангиз кулдиради. Табиатидаги мусаффолик гўё қўлларига кўчгандай. Фарғона вилоятдан юртимиз юксалишига қўшаётган ҳиссангиз бардавом бўлсин. Хирмонингиз, умуман заҳматли меҳнатингиз маҳсули кут-баракали бўлсин, деган тилаклар ила қайтдим.

Р. ЮСУПОВА,
журналист.



Юртимиз аҳолиси дастурхонининг тўкин бўлишини таъминлаётган азиз деҳқонларимизни, барча юртдошларимизни қутлуғ айём – Мустақилликнинг 28 йиллиги билан самимий табриқлаймиз.

«BREEDR CONSULT» ОК жамоаси

СОҒИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Реклама

SEZER

Sağım Teknolojileri

Сут-товар фермалари учун чорвачилик ускуналари.

Йирик шохли хайвонлар учун сут соғиш заллари.



Майда шохли хайвонлар учун сут соғиш заллари.



- Молхоналарни лойиҳалаш ва технологик ечими;
- Рухланган ётоқ ва овқатланиш темирлари;
- Резина тўшама ва матраслар;
- Қашиниш чўткалари;
- Вентиляторлар;
- Иситиладиган сув идишлари;
- Туёққа ишлов бериш ускуналари;
- Гўнгни чиқариб ташлаш тизимлари.



Мобиль сут соғиш ускуналари

Иситиладиган сув идишлари



Бузоқларга озуқа тайёрлаш
сут таксиси

Туёққа ишлов бериш ускунаси

Тошкент ш., Аҳмад Дониш кўчаси 22.

тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55; +998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz www.chorvador.uz

ЎЗГАРИШЛАР ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасининг овул ва қишлоқларида жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олаётган жамоалар талайгина. Ана шундай жамоалар қаторига Беруний туманидаги “Янгиобод-Найман” ММТП ҳудудидаги хўжаликларни киритишимиз мумкин. Улар қишлоқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари билан шуғулланишади. Асосий тармоқ давлат буюртмаси асосида пахта ва ғалла етиштиришдир.

“Янгиобод-Найман”чилар ўтган йили 600 гектар майдондаги пахтадан 1500 тонна ҳосил кўтардилар. Ғалла ҳам мўл бўлди, жами 531 тоннадан кўп хирмон бунёд этилди.

– Худудимизда 10 та фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг ҳаммаси 2018 йилни намунали яқунлашди, – дейди биз билан суҳбатда “Янгиобод-Найман” ММТП раиси Бахтиёр Йўлдашев. – Мана кўриб турганингиздек, ғўзанинг авжи баланд. Теримни ҳам қизғин бошлаб юбордик. “Қуш қаноти билан кучли” дейди халқимиз. Ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил кўтариб, йиллик режаларини ортиғи билан бажариб келаётган “Ниятулла-Азизбек”, “Жуманияз Саидов”, “Рустам-Достонобод” фермер хўжаликлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айниқса “Мақсуд-Қудрат” фермер хўжалиги ютуқлари кейинги йилларда анча кўламдор бўлмоқда.

ММТП раиси тилга олган “Мақсуд-Қудрат” фермер хўжалиги пахта далаларида. Кўз илғамас кенг пахтазорлардаги “оқ олтин” ҳосили салмоғи кўзни қувонтиради. Фермер хўжалиги ўтган йили 75 гектар пахта майдонидан салкам 90 тонна ҳосил олиб, йиллик режани Қорақалпоғистон Республикасида биринчилар қаторида бажарган экан. Жорий йилда 162 гектар майдонга чигит қадалган. Ният аниқ

– давлатга 210 тоннадан кўпроқ пахта ҳосили топшириш.

Ҳосилдор ер майдонларга муддатида сепилган 23 гектардаги кузги буғдой кўм-кўк бўлиб униб чиққан. Мазкур ўсимлик ҳам вақтида суғорилиб, вақтида минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантирилмоқда. Фермер хўжалиги экиннинг бу туридан олинadиган ҳосил миқдорини ўтган йилларга қараганда ҳам кўп, яъни 85 тоннага етказишга азму қарор қилган.

Бошқа фермер хўжаликлари қатори “Мақсуд-Қудрат” фермер хўжалигида ҳам асосий тармоқ пахтачилик. Шу босидан ҳам фермер хўжалигида йғим-терим ишлари қизғин паллага кирган. Бу борада илғор теримчилар Мунаввара Янгибоева, ишчи ва механизаторлар Азамат Жуманиёзов, Гулимбой Очилов, Шомурод Машариповлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Маълумки, қўлга киритиладиган муваффақиятларда теримчи ва ҳашарчиларга яратилган шарт-шароитлар асосий роль ўйнайди. Фермер хўжалигида бу борада ҳамма имкониятлар мавжуд: замонавий типда қурилган дала шийпони кишининг ҳавасини келтиради. Ҳашарчи ва ишчилар шу ерда овқатланиб, хордик чиқарадилар. Кенг стол устига янги газета-журналлар тахламлари қўйилган. Телевизор ва радио мунтазам ишлаб турибди.

Биз ҳам пахта тайёрлаш йиллик режасини сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ортиғи билан бажариш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаган фермер хўжалиги аъзоларини мустақиллик байрами билан табриқлаймиз ва “Ниятингиз йўлдошингиз бўлаверсин, азаматлар!” деймиз.

Р.ҚОЗОҚОВ,
ўз мухбири.

ЖУРНАЛИМИЗ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштириладиган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий Лойиҳаси” кўмаги остида ташкил этилган “Сув тежовчи технологияларнинг афзалликлари” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловни ўтказишдан мақсад Лойиҳа томонидан ишлаб чиқилган “Томчи” мобил иловаси (МИ)ни кенг тарғиб қилиш орқали сув-тежовчи технологиялар соҳасидаги янгиликлардан жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш эди.

Танлов ҳайъати томонидан 70 дан



зиёд муаллифнинг 250 дан ортиқ иши тўрт номинация бўйича кўриб чиқилди.

Танлов ҳайъати қарорига кўра, “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали босма нашрларда чоп этилган ишлар номинацияси бўйича ғолиб деб топилди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

ОЛМАНИ ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

The article it given about information technology and methods of drying apple.

Мева ва сабзавотлар бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қатори йилнинг муайян бир мавсумида етиштирилади, шу сабабли уларни узоқ вақт табиий хусусиятларини йўқотмасдан сақлаш қийин. Бу маҳсулотларни қайта ишлаб ва қуриштиш орқали уларнинг сифатини оширган ҳолда сақлаш мумкин.

Олманинг барча навларидан қоқи қилинаверади. Аммо, қанд моддаси кўп ва кислотали, хушбўй, эти оқ ёки оч сариқ олмани кўпроқ қуриштиш керак. Республикамизда етиштирилаётган олманинг “Первенец Самарканда”, “Пармен зимний золотой”, “Делишес”, “Золотой грейма”, “Графенштейнский” ва “Осенний золотой” каби навлар қуриштиш учун энг яхши ҳисобланади. Қуриштиш усулларига қараб олмадан ҳар хил қоқи олинади. Қуриштишнинг қуйидаги усуллари бор: оддий усулда қуриштиш - бунда меванинг пўсти арчилмайди, французча усулда қуриштиш - меванинг пўсти арчиблиб, уруғи олинади. Бу усулнинг тех-

ажратилган олмани ювиш машиналарда ёки тоза сув солинган ванналарда ҳар хил микроорганизмлардан, чанг ва лойдан тозаланади. Олма тилимлаб ёки 0,7–1,0 см қалинликда гардиш қилиб тўғралади. Гардиш қилиб қуритилган қоқи яхшироқ бўлади. Меванинг пўсти ва уруғини тозалашда ҳамда кесишда махсус машиналарни ишлатиш керак. Бу иш қўлда бажарилса, кўп вақт сарфланади ва кўп маҳсулот чиқитга чиқади.

Пўсти арчилган олма тўғралган захоти 2–3 фоизли намакобга солинади. Бу эса, унинг табиий рангини сақлаб қолишга ёрдам беради. Кейин олмани тахта подносларга солиб, олтингургурт билан дудланади ёки олтингургурт ангидрид эритмасида дориланади. Меванинг ҳар килограммига 1,5–2 грамм олтингургурт сарфланади. Дудлаш 30–35 минут давом этади. Дудланган подносларни қуриштиш майдончасидаги сўкчакларга қўйиб офтобда қуриштилади. 24–30 соатдан кейин олма гардишлари ағдариб чиқилади. Яна

Олмани қуриштишда талаб этиладиган қуриштиш муддати, материаллари ва маҳсулот чиқиши

Маҳсулот тури	Олтингургурт, кг	Ош тузи, кг	Қўлла-нилади-ган патнис сифими, кг	Қуриштиш муддати, кун	Қуриштишда 1 м ² фойдали майдонга кетадиган маҳсулот, кг	Қуриштишда тайёр маҳсулот чиқиши, %
Оддий	2	-	3	14-16	12	14-15
Яхшиланган	2	2	3	10-12	10	20-22

Қоқи қилиш учун фақат пишган ҳосил терилади. Аммо олма техник ети-

лимо даврида, яъни меваларда углеводлар ва кислоталар тўпланиб бўлган, ранги, шакли, ҳиди ўз навиго хос бўлган, банди шохидан осонгина ажраладиган пайтда узилади. Бунда ҳосилнинг тўкилмаслиги кўзда тутилади, мевалар эҳтиётлик билан узиб олинади, уларни дарахтдан қоқиб тушириш қатъий ман қилинади. Узиб олинган олма 10–12 кг. ли қутиларга жойланиб автомашинада қайта ишлаш пунктига ташилади. Қутиларга ортиқча олма солинмайди, чунки улар эзилиб, уриниб, чириб қолиши мумкин. Мевалар ўз қутиларида сақланади ёки бино ичидаги сўкчакларга тўкиб қўйилади. Сақлаш даврида олма етилади ва қуриштишга яроқли бўлиб қолади. Олмани сақлаш ҳамда унинг етилиш муддати турлича бўлади. Эртапишар навлари 4–6 кунда, кечпишар навлари 8–12 кунда етилади ва қуриштишга яроқли бўлиб қолади. Олмани навларга ажратиш (катта-кичиклигига қараб хиллаш) уни қуриштиш учун тайёрлаш (тўғраш, дудлашда) катта аҳамиятга эга. Масалан, олма тўғрайдиган машинанинг пичоқлари маълум бир белгига яраша ўрнатилади. Бир хил бўлмаган олма бир текис дудланмайди. Олмани навларга ажратишда ҳар хил машиналардан, чунончи: барабанли, тросли, шнекли ва бошқа техникалардан фойдаланилади. Олма катта-кичиклигига қараб 3–4 хилга ажратилади. Сифатига қараб саралаш ишлари тасмали инспекцион машиналарда ёки роликли транспортёрларда бажарилади. Моғорлаган, эзилган, хом ёки ўтапишган, шунингдек, қурт тушган олмалар яроқсиз бўлади. Уларнинг жароҳатланган қисми кесиб ташланиб, қолган қисми алоҳида қуриштилади.

Махсус ускуналар бўлган тақдирда ҳосил катта-кичиклиги ва сифатига қараб столда навларга ажратилади. Навларга

шунча вақт ўтгач, поднослар соя жойга штабел қилиб тахлаб қўйилади. Об-ҳаво шароитига қараб олма 3–6 кун давомида қуриштилади. Олмадан 10–13% қоқи олинади. Намлиги 20 фоиздан ошмаган қоқи қуриган ҳисобланади. Бундай қоқи эластик, эзганда ушалмайдиган бўлади. Олма қоқини қутиларга солиб, 10–15 кун сақлангандан кейингина унинг нами бараварлашиб қолади. Нами бараварлаштирилган олма қоқи Давлат стандарти талабларига мувофиқ навларга ажратилади ва 25 килограммли тахта қутиларга ёки 12,5 килограммли картон қутиларга, шунингдек (агар олма яна қайта сараланадиган бўлса) 40–50 килограммли каноп қопларга солинади. Олманинг пўстини арчмай, уруғини тозаламай ва дудламай қуригса ҳам бўлади. Лекин бундай маҳсулот қорамтир, сифати паст бўлади. Қоқи дезинфекция қилинган, тоза бинода сақланади. Бинонинг ҳарорати 0–10 даража, нисбий намлиги 60–65% атрофида бўлиши лозим.

Бизнинг ҳўл мева ва узумни узоқ вақт сақлашга ҳам, бошқа узоқ жойларга жўнатишга ҳам вақтимиз ва имкониятимиз бўлавермайди. Имконият бўлган тақдирда ҳам махсус омборларда мева ва узумни кўп деганда 5–6 ой сақлаш мумкин. Бундай сақланган меваларнинг сифати пасаяди, физик оғирлиги кама-яди. Шунинг учун ҳам меваларни қуриштиш муҳим аҳамиятга эга. Қуритилган маҳсулотни юклаш-тушириш, сақлаш жуда қулай, шу билан бирга, бу маҳсулотлар ҳар хил экспедициялар ва йўловчилар учун ҳам бебаҳо, сифатли маҳсулотдир.

Н.ДЖАЛИЛОВ, Ш.ГАНИЕВ,

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими

Ш.ДЕХКОНОВА,

Наманган муҳандислик институти магистранти.

АДАБИЁТЛАР

1. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. *Мева-сабзавотларни сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш*. – Тошкент: “Меҳнат”, 2002.
2. Орипов Р., Сулаймонов И., Умурзоков Э. *Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси*. – Тошкент: “Меҳнат” 1991.

**Жаннатмакон юртимиз ривожига ҳисса
қўшаётган деҳқонларимизни, халқимизни
Мустақилликнинг 28 йиллиги билан
самимий қутлаймиз!**

**Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлиб,
эзгу орзу-умидларимиз рўёбга чиқаверсин,
барчамизнинг бунёдкорона меҳнатимиз
она-Ватанимиз фаровонлигига хизмат
қилаверсин!**



"KOGONDONMAHSULOTLARI" МЧЖ жамоаси

ҚИШ ТАДОРИГИ

ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини табиий сақлаш усуллари

The basic techniques of melon cocoa preparation, grape, potato? Carrots, onion, storage technology are detailed.

Юртимизда боғ ва тоқзорлар майдони, уларнинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ортиб, маҳсулотлар сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Олинаётган маҳсулот ва аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳар қандай бажариладиган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилишига боғлиқ. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи долзарб бўлиб турган бир вақтда, аҳолининг мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларига бўлган талабини маҳсулотларни сақлаш тизимини тўғри ташкил қилган ҳолда қондириш мумкин.

Бу борада қовунқоқи тайёрлаш, узум, картошка, сабзи ва пиёзни узоқ муддатга сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Қовунқоқи тайёрлаш. Қовунқоқи қимматли озиқ-овқат маҳсулоти. Қовун таркибидаги глюкоза, фруктоза ва сахароза, клетчатка ва гемицеллюлозалар, шунингдек, пектинлар сақланади. Қовун офтобда оддий усул ёки маҳсус қуритгич шкафларда қуритилади. Қовунқоқини ҳамма навлардан тайёрлаш мумкин, қовун этининг тигизлик даражасига қараб, қуритиш ва қирқшнинг турли усулидан фойдаланилади. Эти тигиз бўлган “Қизилуруғ”, “Оқ уруғ”, “Кўкча”, “Гулоби” ва бошқа навлари оддий усулда илмоқларда, юмшоқ этли “Босволди”, “Тошлоқи”, “Гурвак” ва бошқалар) навларни сўкчақларга ёйиб, 2–3 кун қуритилади, сўнгра яхши қуриб етилиши учун зангламайдиған симларга осиб қўйилади.



Қовунқоқини об-ҳаво шароити ва қовун таркибининг қалинлигига қўра, қуритиш 6–14 кунга боради. Тайёрлаш усули: қовун ўртасидан тенг иккига ажратилиб, уруғи олинади. Паллалар эни 3–4 см қилиб тилимланади, пичок, орқали пўстидан ажратилади ва ўртаси охиригача кесилмай бир жуфт қилиб осиб қўйилади. Ширалиги ўртача навлардан 4,5–5,5, жуда ширин навлардан 7,5–10,1% (ўртача 7%) қоқи тушади. Таркибида умумий қанд миқдори 38–75,7%, намлиги 20% атрофида бўлади. Асосан, қиш ва баҳор фаслларида истеъмол қилинади.

Узумни сақлаш. Узум бошларидан чирган мевалар бирма-бир териб ташланади. Бошлар сояга ёйилади, 1–2 кун мобайнида шамоллатиб сўлтилади. Кейин узум бошлари иккитадан қилиб бойланади ва илгакка осилади. Сақлаш жойидаги ҳаво ҳарорати 0–5 даража атрофида илиқ, намлик 85–95% атрофида бўлиши лозим. Омборхона ёки ертўла вақти-вақти билан олтингугурт билан дудлаб турилиши керак.

Картошкани сақлаш. Картошка қовлаб олингандан кейин 20–25 кун ўтгач, лат еган ёки димиқиш туфайли зарарланганларидан сараланади.

Картошка оддий омборларда яшикка, тўрхалтага солинган ёки тўкма ҳолда сақланади. Омборда ҳарорат 2–4 даража илиқ, нисбий намлик 80–85% бўлса, маҳсулот яхши сақланади. Омбор бўлмаса, картошкани сизот сувлари яқин бўлмаган ерларда қовланган ўраларга кўмиб сақлаш мумкин. Бунда ўранинг эни 60–70 см, чуқурлиги 70–80 см, узунлиги 2–3 м бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрага картошка жойлангач, устига 10–15 см қалинликда похол ёки қамиш ёпилади, сўнгра устидан 30–35 см қалинликда тупроқ тортилади. Картошка шундай шароитда апрель ойигача яхши сақланади.

Картошкани уй-рўзгор шароитида сақлаш учун ёруғ тушмайдиган жой танланиши



керак. Чунки ёруғ тушадиган жойда туғанаги тез бузилиб, аччиқ бўлиб қолади. Сақланаётган картошкани ҳар ойда саралаб туриш зарур.

Пиёзни сақлаш. Пиёзни сақлашдаги асосий вазифа маҳсулот сифатини пазайтирмасликдир. Сақлаш муддати мумкин қадар узоқроқ бўлиши лозим. Пиёз ертўла ёки омборда тўрхалталарда, яшикларда сақланади.

Маҳсулот сақланадиган жой қуруқ, ҳавоси алмашиб турадиган бўлиши керак. Хонадаги ҳарорат илиқ, нисбий намлик 70–75% атрофида бўлгани маъқул. Пиёз музлаб қолгандан сўнг ҳам ўз ҳолига келиши мумкин. Аммо бу ҳол қайта-қайта такрорланса, маҳсулот сифати бузилади.

Сабзини сақлаш. Сабзини қовлашдан 10 кун олдин сўғориш яхши самара беради. Сабзи барги сарғайгандан кейин қовланиб, баргидан тозаланади. Сабзи ўрада сақланади. Ўра тупроғи нам бўлиши, унга ўт ёки яшил барглари тушмаслиги керак.

Ўрага сабзи тўлдириш вақтида эланган қум солиб борилса, сабзи сўлимайди ва узоқ сақланади. Ўра тўлдирилгандан кейин усти похол ёки қамиш (5–10 см) билан ёпилади ва 30–35 см тупроқ тортилади.

Сабзини январь-февраль ойларига қалқин ертўлаларда полиэтилен қопларда, яшикларда (ичига полиэтилен тўшама қилиб) сўлимаслиги учун устини қум ёки нам тупроқ, билан ёпиб, кунлик эҳтиёж учун ишлатиб бориш мумкин.

Ф.ТУРДИЕВА,
ассистент,

Н.ЗАЙЛОБИДИНОВ, Ж.АЛИЖОНОВ,
талабалар, (ТошДАУ Андижон филиали).

АДАБИЁТЛАР

1. Шоумаров Х.Б., Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. - Тошкент: ТошДАУ, 2011.

2. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дала экинлари маҳсулотларини сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. - Т.: УзМЭ, 2004.

РОЛЬ ИЗМЕНЧИВОСТИ В СОЗДАНИИ ГИБРИДОВ F_1 - F_2 С ВЫСОКИМ ЗНАЧЕНИЕМ ЧИСЛА ОТКРЫТЫХ КОРОБОЧЕК НА РАСТЕНИИ

The article provides an analysis of the results of research, on the basis of which conclusions are drawn on the established genetic laws of variability, inheritance and heritability of the characteristic "total open bolls on a plant, as of 03.09.2018," in the F_1 - F_2 variety-linear hybrids of *G. barbadense* cotton against the background of artificially infected gummosis.

Актуальной проблемой в селекции хлопчатника для узбекских селекционеров по-прежнему остается увеличение урожайности волокна с единицы площади, так как Узбекистан является самой северной хлопкосеющей страной, не менее важной и актуальной проблемой является создание ультраскороспелых сортов хлопчатника, сочетающих в себе высокое качество и количество волокна. Если в начале и середине прошлого столетия у ряда ученых существовало мнение, что сорта обладающие высоким качеством волокна отличаются позднеспелостью и малой урожайностью хлопка-сырца, то в конце прошлого столетия рядом отечественных ученых доказано, что данные корреляции могут быть преодолены.

Как показали исследования, необходимо вовлекать в гибридизацию лучшие сорта и линии собственной селекции, обладающие высокими значениями признака «число открытых коробочек на 15.09.2018 г.».

Тысячелетний отбор среди дикорастущих хлопчатников, растущих вблизи жилищ, способствовал возникновению мощных урожайных растений, имеющих более культурный тип.

Исполнителем в 2018 году проведены полевые исследования в рамках проекта КХА-КХ-2018-136 в лабораторных и полевых условиях производственного отдела научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкентской области, где использована общепринятая агротехнология возделывания хлопка.

Описанный полевой опыт закладывался в виде биологического питомника с участием родительских форм, гибридов F_1 - F_2 , в уравнительном посеве 2018 г., в 3 кратной повторности рендомизированными блоками.

Статистическая обработка данных проводилась по Б.П. Доспехову. Величину показателя доминантности (h_p) у гибридов F_1 определяли по формуле приведенной в работе Beil G.M., Atkins.

Коэффициент наследуемости (h^2) гибридов F_2 , определяли по формуле, приведенной в работе R. W.Allard.

Анализ средней величины признака «число открытых коробочек на одном растении, на 15.09.2018 г.», у сортов уча-

ствующих в гибридизации в качестве материнских форм она находится в пределах от 1.44 коробочек у сорта туркменской селекции 9294-И до 3.15 коробочек у сорта узбекской селекции Сурхан-5.

Анализ средней величины признака «число открытых коробочек на одном растении, на 15.09.2018 г.» у линейного материала созданного в лаборатории она находится в пределах от 1.53 у Л-163 до 8.39 коробочек у Л-180. Такой размах значения признака «число открытых коробочек на одном растении, на 15.09.2018 г.» и определил поведение гибридов F_1 - F_2 .

Максимальное среднее значение признака отмечено у гибрида F_1 Сурхан-5 x Л-11, где $M=4.51$ коробочек, а минимальная средняя величина анализируемого признака отмечена у гибрида F_1 Л-160 x Л-11, где $M=3.22$ коробочки.

Анализируя показатель доминантности (h_p) на искусственно-инфицированном фоне у 18 гибридов отрицательный эффект неполного доминирования и у остальных гибридов эффект неполного доминирования родителя с высоким значением признака «число открытых коробочек на одном растении, на 15.09.2018 г.». Анализируя коэффициент наследуемости (h^2) видно, что данный признак наследуется на среднем и высоком уровне и его величины укладываются в пределы 0.37-0.75.

На основании анализа результатов исследований сделан следующий вывод:

- у селекционера имеется возможность, начиная с F_1 выделять гибридные комбинации с необходимой ему величиной признака «число открытых коробочек на одном растении, на 15.09.2018 г.», а так как анализируемый признак наследуется на среднем и высоком уровне в зависимости от гибридной комбинации, то при выделении растений необходимо обратить внимание на долю генотипической изменчивости признака.

У.КАЮМОВ,
д.ф.(PhD), с.н.с.,
В.АВТОНОВ,
д.с.х.н., проф.,
А.АШИРКУЛОВ,
к.с.х.н., с.н.с.,
Ш.АМАНТУРДИЕВ,
к.с.х.н., с.н.с.,
НИИССАВХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Автономов А.И. Селекция египетского хлопчатника. Сборник научных трудов. – Ташкент: Госиздат, 1948. – С.109-136.
2. Автономов А.А. Селекция тонковолокнистых сортов хлопчатника. –Ташкент, 1973. – 147 с.
3. Автономов В.А. Генетические аспекты селекции болезнеустойчивых сортов хлопчатника с повышенным выходом и качеством волокна. Автореф.дис...док.с-х.наук, Ташкент. 1993. – 64 с.
4. Абдуллаев А.А. Эволюция и систематика полиплоидных видов хлопчатника, - Ташкент: Фан, 1974. – 258 с.
5. Абзалов М.Ф. Эволюционно-селекционные аспекты скороспелости и адаптивности хлопчатника в исследованиях академика С.С.Садыкова. //Материалы международной научно-практической конференции – Ташкент: Фан, 2005. - С.12-13.
6. Доспехов В.А. Методика полевого опыта. – М: Колос, 1979.
13. Allard R.W. Principles of Plant Breeding. John Wiley, Sons. New-York-London-Sidney, 1966.
14. Beil G.M., Atkins. Inheritance of quantitative characters in grain sorghum //Jowa State Journal of Science. 1965.

ГОЛШТИН



СИММЕНТАЛЬ



АБЕРДИН-АНГУС



ГЕРЕФОРД



ЗААНЕН



ДОРПЕР



"AGRITECH HOLDING" жамоаси
Юртдошларимизни, чорвадорларимизни
кутлуғ айём – Мустақиллик байрами
билан самимий табриклайди ва фермер
хўжаликларига қуйидаги хизматларни
таклиф қилади:

- Европа стандартлари бўйича муҳандислик лойиҳалари асосидаги 200 бошдан 10 000 бошгача мўлжалланган чорвалик фермаларини қуриш;
- Европадан келтирилаётган насли ва майда шохли чорва молларини етказиш;
- Замонавий агротехникалар, комбайн ва тракторлар етказиш;
- Сут соғиш учун барча ускуналарини етказиб бериш.



Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,
 Хусайн Бойқаро кўчаси, 39 А.



(+998 71) 208-56-56.
 (+998 90) 966-70-22, 950-24-05.
 (+998 91) 165-37-00.

@ agritechholding@gmail.com

AGRITECH4
 @agritech2019
 Agritechholding
 www.agritech.uz
 AGRITECHHOLDING
 AGRITECHHOLDING



ЯНГИ ЭНТО-ДЕФОЛ ВА ФАНДЕФ-АЪЛО ДЕФОЛИАНТЛАРИНИНГ ЎРТА ТОЛАЛИ С-8290 ВА С-6775 ҒЎЗАЛАРИНИ СУНЪИЙ БАРГСИЗЛАНТИРИШДАГИ САМАРАДОРЛИГИ

The new Ento-Dephol showed a higt result, while using 0.5 l/ of defoliation for each hectar in order to defoliante cotton artificially.6.0 litres use of defoliation gave better result regarding to the other alternatives.

Пахтачиликни жадал суръатлар билан тараққий эттиришнинг ҳозирги даврдаги энг муҳим шарт пахта етиштиришни изчил равишда интенсивлашдан иборат бўлиб, унинг асосий йўналишларидан бири кимёлаштириш ҳисобланади. Пахтадан муттасил равишда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун кимёвий моддалардан оқилона фойдаланиш зарур. Бинобарин, минерал ўғитларсиз, ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи факторларсиз, бегона ўтларга ва экин зараркунанда ҳамда касалликларига қарши кураш олиб боришда кимёвий воситаларсиз ҳозирги замон пахтачилигини тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу боисдан ҳар бир яратилган ғўза навларида турли кимёвий воситаларни қўллашнинг мақбул меъёр ва муддатларини илмий асосда ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни давом эттириш зарур ҳисобланади.

Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш ҳамда кўрсатиб ўтилган табиий ноқулайликларни енгиб ўтишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига янги замонавий техникаларни кенг жорий қилиш, фермер хўжаликларига деҳқончилик маданиятини юксалтириш, қисқа навбатлаб экиш тизимини қўллаш, янги серҳосил навларни етиштириш, дала ишларини комплекс механизациялаш ҳамда деҳқончиликни кимёлаштиришни ривожлантириш асосий омиллардан биридир.

Маълумки, ғўза дефолиацияси ўз муддатида ва сифатли ўтказилганда ғўза барглари 90–95 фоизгача тўкилиб, кўсақлар пишиб етилиши 15–20 фоизга, биринчи терим салмоғи 20–25 фоизгача ошади ҳамда етиштирилган пахта ҳосилининг 80–90 фоизини юқори саноат навларига топшириш имконияти яратилиб, гектаридан олинган иқтисодий даромад миқдори ҳам ортиши кўплаб тадқиқотларда аниқланган.

Шу боисдан, 2018 йилда “Фарғона вилоятининг ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида ўрта толали ғўза навларида дефолиантларнинг самарадорлигини баҳолаш” мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

Фарғона вилояти шароитида парваришланаётган ўрта толали С-6775 ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш учун янги Энто-Дефол ҳамда ФАНДЕФ-аъло дефолиантларининг турли меъёрларини ғўза кўсақлари 30–40%, 50–60% очилган муддатларда қўллаб самарадорлиги аниқланганда, уларнинг юқори самара бериши кузатилди.

Тажриба 8 та вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда такрорланди. Дефолиантларни қўллаш кўсақлар очилишига қараб икки хил муддатда белгиланди. Тажриба вариантларининг қатор ораси 90 см, ҳар бир вариант майдони 36 м² ни, ҳисоб майдони эса 18 м² ни ташкил этди.

С-6775 ғўза нави кўсақларнинг турли очилиш муддатларида дефолиантларнинг турли меъёрлари қўлланилиб, уларнинг барглари тўкилишида самарадорлиги аниқланди. Ушбу ғўза навининг кўсақлари 30–40% очилган муддатда дефолиация ўтказилган фоннинг назорат вариантыда дефолиациядан 14 кун ўтгач, баргларнинг табиий тўкилиши 9,9 фоизни, яшил барглари эса 90,1 фоизни ташкил этганлиги қайд этилди. Суюқ хлорат-магний дефолиантининг 8,0 л/га меъёрда эталон сифатида қўлланилган вариантда дефолиациядан 14 кундан сўнг 84,1% ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 15,9% барглари қуриган, яримқуриган барглари қолганлиги аниқланди.

Энто-Дефол дефолианти 0,150 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда дефолиациядан 14 кундан сўнг 94,6 фоизгача ғўза барглари тўкилиб, дефо-

лиант таъсирида 0,2% барглари қуриган, 1,2% яримқуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги қайд этилди.

ФАНДЕФ-аъло дефолиантининг 5,0–6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантларида эса дефолиациядан 14 кундан сўнг 87,2% атрофида ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 5,9% барглари қуриган, 6,8% ярим қуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги аниқланди ва дефолиантнинг ушбу меъёрлари бошқа вариантларга нисбатан юқори натижани кўрсатди.

Ушбу икки дефолиантнинг самарадорлиги С-6775 ғўза навининг кўсақлари 50–60% очилганда дефолиациядан 14 кундан сўнг ҳам юқори натижа кўрсатди, яъни Энто-Дефол дефолиантининг 0,100-0,150-0,200 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда дефолиация самарадорлиги назорат вариантыга нисбатан юқори бўлиб, барглари тўкилиши 84,7%, кўсақлар очилиши 93,0 фоизгача бўлганлиги аниқланди. Бундан ташқари, ФАНДЕФ-аъло дефолиантининг 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларида дефолиация ўтказилган вариантларида ҳам, дефолиациядан 14 кундан сўнг ғўзанинг барглари тўкилиши 77,3%, кўсақлар очилиши 92,8% атрофида бўлганлиги кузатилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Фарғона вилояти шароитида парваришланаётган ўрта толали ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш учун С-6775 навларига Энто-Дефол ва ФАНДЕФ-аъло дефолиантларини қўллаш юқори самарадорликка олиб келади ва кўсақлар очилишини тезлаштиради.

Ф.ТЕШАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор,
М.УБАЙДУЛЛАЕВ,
тадқиқотчи.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

ЗОВУР СУВЛАРИ БИЛАН СУҒОРИШНИНГ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

In this article given water issues which are observed in Republic frequently shortage of water and water-related problems during the current period, especially decreasing of water resources in agriculture, and getting worse of lands' melioration. The conditions of the above problems collector – drainage mineralization ameliorate with using water plants by biological method in Bukhara region. Given experimental results of researches of the processes of salt accumulation in the soil through the irrigation of "Bukhara-6" cotton variety.

Республикамизнинг қурғоқчил минтақада жойлашган турли хил табиий-хўжалик шароитларига эга бўлган ва ҳозирда сув тақчиллиги кучайиб бораётган ҳудудларида суғоришга ишлатиладиган сув ресурсларини иқтисод қилиш ва қўшимча сув манбаларини яратиш долзарб ҳисобланади. Булардан ташқари, республикамизда 2,1 млн. гектарга яқин майдонлар турли даражада шўрланган ва шўрланишга мойил ерларни ташкил қилиб, ушбу ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, тупроқнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, зах қочириш ва шўрланишга қарши курашишнинг илмий, техник асосларига таянган ҳолда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш муҳимдир.

Бухоро вилоятида сув танқислиги шароитида минерализацияси 3–5 г/л. га тенг бўлган зовур сувларида дала шароитида *Lemna minor* сув ўсимлигини ўстириб, коллектор-зовур сувлари минерализациясини биологик усулда пасайтириш, минерализацияси пасайтирилган зовур суви ёрдамида "Бухоро-6" ғўза навини суғориш натижасида уларнинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланди. Кузатувлар олиб бориш учун Бухоро туманидан оқиб ўтувчи Юлдуз коллектори ёнида кичик ҳовуз қазилиб, ҳовузида зовур суви ташланди ва зовур сувига *Lemna minor* сув ўсимлиги экилиб, тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар давомида ғўзанинг "Бухоро-6" навида Пахта селекцияси,

уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиали томонидан тавсия этилган суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65%, маъдан ўғитлар меъёри $N_{250}P_{175}K_{100}$ кг/га қўлланган ҳолда парвариш қилинди.

Тажрибалар бир ярусда, 5 та вариантда ҳамда 3 та қайтариқда олиб борилди. Ёўзани суғоришга ишлатиладиган Юлдуз коллектори сувининг минерализацияси қуруқ қолдиқ микдори бўйича 3,9 г/л, Cl -0,374 г/л, SO_4 -1,348 г/л, HCO_3 -0,476 г/л, Ca -0,228 г/л, Na -0,367 г/л ни ҳамда Mg -0,412 г/л ни ташкил қилган бўлса, коллектор сувида *Lemna minor* сув ўсимлиги ўстирилиб, минерализацияси биологик усулда пасайтириш натижасида зовур сувида қуруқ қолдиқ микдори 2,8 г/л, Cl микдори 0,291 г/л, SO_4 микдори эса – 1,084 г/л, HCO_3 – 0,246 г/л ҳамда Ca -0,174 г/л ва Na -0,311 г/л, Mg – 0,284 г/л. га тенг бўлди.

Тажрибаларда қўлланиладиган барча агротехник тадбирларнинг самарадорлиги пахта ҳосилининг микдори билан ўлчанади. Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида, Бухоро тумани ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида "Бухоро-6" ғўза навини турли суғориш усуллари ёрдамида етиштириш бўйича ўрганилди. Теримлар ва қайтариқлар бўйича пахта ҳосилдорлиги 1-вариантда 41,8 ц/га. га тенг бўлган бўлса, дарё сувига биологик тозаланган зовур сувини қўшиб суғорилган 2-вариантда 40,1 ц/га. ни ташкил қилди. Тадқиқотларнинг

3-вариантида, яъни дарё суви билан зовур сувини қўшиб суғорилган даламида пахта ҳосилдорлиги 1 ҳамда 2-вариантларга нисбатан 4,6–6,5 ц/га. гача камайиб, 34,1 ц/га. ни, зовур суви минерализацияси биологик усулда пасайтирилиб суғорилган 4-вариантда ҳосилдорлик мос равишда 32,3 ц/га. га тенг бўлди. Изланишларнинг зовур суви билан тўғридан-тўғри суғорилган 5-вариантда пахтанинг ҳосилдорлиги бошқа вариантларга нисбатан бирмунча камайганлиги кузатилиб, ўртача 28,1 ц/га ҳосил олишга эришилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиб, ҳулоса қилиш мумкинки, сув танқислиги шароитида зовур суви билан ғўзанинг "Бухоро-6" навини тўғридан-тўғри суғорилгандан кўра, зовур суви минерализациясини сув ўсимликлари ёрдамида биологик усулда пасайтириб, дарё сувига қўшиб суғорилганда, ерлар мелiorатив ҳолати ёмонлашишининг олди олиниб, пахтадан 12 ц/га юқори ҳосил олишга эришилади.

М.ХАМИДОВ,

қ.х.ф.д., профессор, (ТИҚХММИ),

У.ЖҲАЕВ,

қ.х.ф.ф.д.,

Р.БЕРДИЕВ,

магистрант, (ТИҚХММИ)

Бухоро филиали).

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзажонов Қ., Авлякулов А., Безбодов Г., Ахмедов Ж. ва бошқалар. Ёўзани парваришда сув ва ресурс тежовчи агротехнологиялар бўйича тавсиялар. – Т., 2008. – Б. 15-16.

2. Omar M.S., Aziz M.A The effect soil moisture depletion on Wheat. Production. Egyptj Soils 1983, 23, No 1. Pp. 1-17.

3. Губанов И. А., Киселёва К. В., Новиков В. С., Тихомиров В. Н. 306. *Lemna minor* L. – Ряска маленькая // Иллюстрированный определитель растений Средней России. В 3-х томах. – М.: Т-во науч. изд. КМК, Ин-т технолог. иссл, 2002. – Т. 1.

Тажриба тизими

Вариант рақами	Суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Маъдан ўғитлар меъёри	Суғориш усули
1	70-75-65%	$N_{250}P_{175}K_{100}$	Дарё суви билан суғорилган
2			Дарё сувига биологик тозаланган зовур сувини қўшиб суғориш (50/50%)
3			Дарё сувига зовур сувини қўшиб суғориш (50/50%)
4			Биологик тозаланган зовур суви билан суғориш
5 (Назорат)			Зовур суви билан суғориш



Барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азииз айём —

Мустақиллик куни билан

чин дилдан қутлаймиз.

Тинчлигимиз барқарор,

ҳаётимиз янада фаровон

бўлсин.



БАШОРАТЛАР РЎЎБИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар бутун умрини эл-юрт фаровонлиги, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш каби савобли ишларга бахш этади. Ана шундай инсонлардан бири деҳқончилик илмининг устаси, миришкор пахтакор, ташкилотчи раҳбар Суяр Оролов эди.

У киши 1920 йилда Жиззах вилояти, Фориш туманидаги Қораобдал қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Бошланғич ва тўлиқсиз ўрта маълумотини шу қишлоқдаги мактабларда олган. Мактабни тамомлагач, жамоа хўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлаган.

1941 йил апрель ойида у ҳарбий хизматга чақирилади. Уруш вақтида Кавказ, Россиянинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини немис фашист гандаларидан озод этишда тўлиқ иштирок этган.

Урушдан қайтгач, 1946–1948 йиллар, аҳолининг кўпчилиги жуда қийинчилик билан кун кечирар ва жамоа хўжаликлари ҳам иқтисодий оғир аҳволда бўлган бир пайтда халқ дардига малҳам бўлиш мақсадида жамоа хўжалигида олдин раис муовини ва кейинчалик раис бўлиб, элга бош бўлади.

Суяр Ороловнинг сазъ-ҳаракати ва ташаббускорлиги туфайли жамоа хўжалиги ҳудуддаги иқтисодий бақувват хўжаликлардан бирига айланиб, жамоа аъзоларининг яшаш турмуш шароитларида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Ҳукуматнинг махсус қарорига мувофиқ 1958 йил баҳорда Фориш тумани Фориш давлат хўжалигининг 5-бўлимида яшовчи аҳолидан 200 оила Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани “2-Боёвут” давлат хўжалигига Мирзачўлни ўзлаштириш учун кўчирма қилинди. Улар хўжаликнинг 2-бўлимига жойлаштирилиб, Суяр ака Оролов бўлим бошқарувчиси этиб тайинланади.

Унинг ташкилотчилиги билан

кўчиб келган ҳар бир оила кузга келиб замонавий посёлка типидagi турар жой билан таъминланади ва ўша аҳолининг авлодлари бугунги кунда ҳам яшаб келмоқда. У киши мазкур бўлимда узоқ йиллар бўлим бошқарувчиси лавозимда фаолият кўрсатди.

Халқимизда оз-оз ўрганиб, доно бўлур деган нақл бор. Шунга амал қилган С.Оролов ўша хўжаликка раҳбар бўлиб ишлаган У. Юсупов, Т. Қўчқоров, Х. Норчаев, В.А. Ҳайдаров ва туман раҳбарлари С. Тўхлиев, А. Турдикулов, И. Ибодуллаевларнинг иш услубларини, амалий ўғитларини ҳамда панд-насиҳатларини таҳлил қилган ҳолда, табиатан кенг қамровли, жуда камтар, сермулоҳаза, узоқни кўра билладиган доно раҳбар бўлиб етишди. Суяр ака бўлим бошқарувчиси лавозимида ишлаган пайтларида пахтачилик, умуман деҳқончилик тармоғининг етук мутахассиси сифатида хўжаликда ва туманда катта обрў-этибор қозонди.

У кишининг хизматлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланиб, 1973 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор” унвони берилди.

Талабалик йилларимизда ёзги ёки қишки таътилга чиққан пайтларимизда Суяр ака билан учрашиб турар эдик. У ҳар бир талаба билан зерикмасдан суҳбатлашар ва келажакда қандай мутахассис бўлиб етишишимиз тўғрисида сўраб, суриштирар эди.

Усмон Юсупов ва у каби буюк раҳбарларнинг, етук олимларнинг ибратли йўлларида уларнинг Ватан

ва халқ олдида бажарган хайрли, савобли ишлари ҳақида ҳикоялар айтиб берарди. Яхши мутахассис бўлиб етишимиз учун чуқур билим олишимиз тўғрисида панд-насиҳатлар қиларди. Келажакда Сирдарёнинг сувлари Зафаробод тумани ҳудудларидаги Пистали тоғ этакларидаги “Оғзи-кенг” массивидаги чўллар ўзлаштирилиб, аҳоли яшайдиган катта-катта посёлкалар, саноат корхоналари қурилади, авлодларимиз, шу ерларда ўтроқ халқ бўлиб, яшаб қолади деб башорат қиларди.

С.Ороловнинг бундан 50–60 йиллар олдин доноларча қилган башорати Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги шарофати билан бугунги кунда тўлиқ рўёбга чиқди. “Оғзи-кенг” массивида “Цемент” заводи қурилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари, ўша ҳудудларда Республикамиз ҳукуматининг махсус қарорлари асосида нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи ва “Караман” сув омборини қуриш ишлари бошлаб юборилди. “Караман” сув омбори ишга туширилгач, Фориш тумани ҳудудларида 20 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиши белгиланган.

Натижада эса, ўша ерларда аҳоли яшайдиган ўнлаб замонавий посёлкалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, боғроғлар бунёд этилади. Давлатимиз томонидан келажакни ўйлаб кўриладиган бундай чора-тадбирлар замирида халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, келажак авлодни иш билан таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда, ўша ҳудудларда Суяр Ороловнинг фарзандлари, набиралари ҳам яшаб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, эл-юрт равнақиға ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Ч.РИЗАЕВ,
и.ф.н.



Мамлакатимизнинг
барча
меҳнаткашларини, жамики
автомобилчиларни
Мустақиллик
байрами билан
табриклаймиз.
Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо
бўлсин!
Барча орзу-
истакларингиз ушалиб,
эзгу ниятларингиз
ижобат бўлсин.
Юртимиз тинчлиги ва
элимиз тотувлигига ҳеч
қачон кўз тегмасин!

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ
ТРАНСПОРТИ КАДРЛАРИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ
жамоаси**

Гдлянчилар тўдасининг ифлос, ғаразли фаолияти республикамизга, халқимизга катта зиён етказди. Чунки Ўзбекистон номига ноҳақ доғ туширилди, жуда кўп етук раҳбар кадрлар қатағонга учрадилар, халқ хўжалигининг барча соҳалари зарар кўрди. Аммо шу нарса фахрлики, юртдошларимизнинг мутлақ кўпчилиги “десантчилар” тегирмонига сув қўймади, уларнинг дағдағаси ва жабр-зулмидан кўрқмади, балки қўлидан келгунча уларга қаршилиқ кўрсатди, ўз қадр-қимматини сақлаб қолди.

Мен билган шундай мард инсонлардан бири халқ депутатлари Тошкент вилояти ижроқўми раиси Абдулҳамид Баҳодирович Саидхўжаевдир. Узоқ йиллар Оққўрғон тумани биринчи раҳбари ва Фаргона вилояти партия қўмитаси котиби бўлиб ишлаб, катта тажриба орттирган Абдулҳамид аканинг иш услубида одамлар орасида кўпроқ бўлиш, масалаларни жойининг ўзида ўрганиб, ҳал этиш устун эди. Шунинг учун А. Саидхўжаев қўйи ташкilotлар раҳбарларини иложи борица ишхонасига камроқ чақирар, керак бўлса, улар билан ўзи бориб уч-рашар, одамларнинг фикрини ўрганиб, хулоса чиқарарди.

Яна у киши қоғозбоз бюрократ эмасди. Турли масалаларга оид маълумотнома ва статистик кўрсаткичларни варақлаб кўриб, миясида таҳлил этар, хулосалар чиқариб, вазифаларни белгиларди.

Кунларнинг бирида Абдулҳамид Баҳодировични бир катта мажлисга таклиф этиб, сўзга чиқишларини илтимос қилдилар. Бундай ҳолларда мен ёрдамчи сифатида ашёвий материаллар, бўлимлар эса нутқ чиғиларини тайёрлашга шайланар эдик. Таклифдан кейин бирикми кун вақт ўтганига қарамасдан, раисдан бу масала юзасида топириқ бўлмади.

Орадан бир неча кун ўтди. Мажлисга жуда оз вақт қолганида мен нутқ тайёрлашга ҳам, уни “машинкада” теришга ҳам улгурмаслигимизни ўйлаб, ўзимнинг ташаббусим билан, йиғилиш мавзусига доир тегишли ашёлар асосида раис мавзусига чиғиларини қоғозга туширдим.

Эртасига Абдулҳамид Баҳодирович мажлисга кетишларидан олдин кабинетларига кирганларида, мен: “Мажлисда ишлатиш мумкин бўлган ҳужжатлар”, деб тайёрланган материалларни қўлларига тутқаздим. У олиб, “Раҳмат!” дея чиқиб кетди.

Мен эртасига мажлисда иштирок этган ходимларимиздан:

– Абдулҳамид ака сўзга чиқдиларми? – деб сўраганимда, раиснинг тахлилий-танқидий маъруза қилганлиги ва у иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлганлиги тўғрисидаги жавобни олдим. Дарҳақиқат, ишнинг кўзини билладиган ҳақиқий раҳбар учун тайёр матн эмас, балки факт ва рақамлар, аниқ ишончли маълумотлар бўлса бас, у уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини одамларга содда ва тушунарли қилиб етказа олади...

А. Саидхўжаевнинг ижроқўмга раислик даври гдлянчилар вилоятидаги раҳбар кадрларига қарши “ов” бошлаган пайтга тўғри келди. Марказдан юборилган жазо гуруҳи вилоят, туман, шаҳар партия котиблари, ижроқўм раислари, жамоа хўжаликлари етказиларини қамаш ва ноҳақ қоралаш ишларини республиканинг ўша йиллардаги эътиқоди сустр раҳбарлари розилиги билан олиб борди. Албатта, раҳбар

кадрларнинг тақдири, биринчи навбатда, партия қўмиталарида ҳал бўларди-ю, лекин уларнинг кўпчилиги депутат бўлганлиги боис расмийлик учун тегишли халқ депутатлари Кенгашлари розилигини олиш лозим эди. Жумладан, А. Саидхўжаев номига прокуратурадан юб орилган хатларда у ёки бу раҳбарга қарши жиноий иш очилган рухсат сўраларди. Абдулҳамид Баҳодирович бундай хатларга, иложи борица жавоб бермасликка ҳаракат қилар ва бу билан уларнинг қамалишига қарши эканлигини намойиш этарди.

Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай ҳолатларда

МАТОНАТ

прокуратура партия органларини хабардор этар, уларда ҳуқуқронлиқ қилаётган “десантчилар” (жумладан, Тошкент вилоят партия қўмитаси иккинчи котиби Нестеренко) тазйиқ кўрсатар эди. Нестеренко Абдулҳамид акага кўнғироқ қилиб, “Нега фалончиларни қамашга розилик бермаяпсан ёки сен улар билан тил бириктирганимсан?” Балки сен партиянинг сиёсатиға қаршидирсан?” деб дағдаға қиларди. А. Саидхўжаев бундай дўк-пўписаларга, “Сиз айтётган раҳбарлар партия ва ҳукуматнинг қарор ва топириқларини ҳамиша бажариб келаётган, виждони пок, юриш-туришлари бенуқсон инсонлар”, деб жавоб берар эди. Бу республикамизда ҳукм сурган ўша вазиятда ўзига хос жасорат, матонат намунаси эди.

Нестеренко Абдулҳамид аканинг қатъийлиги, унга бўйсунмаётганлигини Ўзбекистон МҚ иккинчи котиби, “десантчи”ларнинг етакчиси Анишчевга етказиб турди. Натижада, уларнинг йўлига тўсиқ бўлиб турган А. Саидхўжаевни бар-тараф қилиш чоралари кўрилди.

Анишчев Тошкент вилояти партия конференциясида шахсан қатнашиб, сўзга чиқди. У ўз сўзида “Ўзбеклар иши” юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида мақтаниб гапирар экан, А. Саидхўжаев масаласига алоҳида тўхталиб, бундай деди:

– Орамизда партия топириғи билан бизлар ўтказаетган сиёсатга қарши раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Улар қаторида вилоят ижроия қўмитаси раиси А. Саидхўжаев ҳам бор. Таклифим, уни вилоят партия қўмитаси аъзолиғига кўрсатилган номзодлар рўйхатидан чиқазиб ташласан.

Амалда шундай бўлди – Абдулҳамид ака вилоят партия қўмитаси бюросининг аъзоси этиб сайланмади. Оқибатда, у вилоят ижроқўми раислигидан ҳам кетишга мажбур бўлди. Надоматлар бўлска, на республика ва на вилоятнинг бошқа раҳбарлари Абдулҳамид Баҳодирович Саидхўжаевни ҳимоя қилмади, қилолмади ҳам!



Абдулҳамид ака Москвадан келган гумашталар олдида бош эгмади, ҳеч кимдан узр ҳам сўрамади ва ўзига қарши қаратилган бундай ғаламислиқни хотиржамлик билан, мардонавор кутиб олди.

Вилоят ижроқўмида бирга ишлаган сафдошлари ва аппарат ходимлари билан хайрлашувда у бундай деди:

– Биз партиянинг солдатлари деб таъриблаганлар. Мен қаерга юборишса, ўша ерда сидқидилдан ишладим. Бу ерда ҳам сизлар билан биргаликда, сизларга таяниб, одамларга яхшилиқ қилишга, уларнинг турмушини енгилаштишга ҳаракат қилдим. Лекин мен партиянинг, аниқроғи унинг номидан иш тутаетган айрим раҳбарларнинг топириғини тўғри тушунмаганга ўхшайман. Шунинг учун мен бугун сизлар билан хайрлашишга мажбурман. Сизларнинг ҳаммаларингизга миннатдорчилигимни билдираман ва кимдир ранжитган бўлсам, ундан узр сўрайман.

Вилоят ижроқўми кичик мажлисхонасида ўтирганларнинг юзларида норозилик аломатлари сезилар, ходимлар кўз ёши билан, эркалар бошларини ҳам тутганларича Абдулҳамид ака билан хайрлашдилар...

Яратганга минг шукурлар бўлсинки, вақтисоати келиб Ўзбекистон мустақилликка эришди. Истиқлол йилларида А. Саидхўжаев республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигида бошқарма бошлиғи, республика Паррандачилик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлади ва Тошкент вилояти агро саноат комплекси бошлиғи ўринбосари лавозимидан нафақага чиқди. Эътиборлиси, Абдулҳамид аканинг ёши анча улғайиб қолган бўлса-да, бугунги кунда ҳам тиниб-тинчимас, қишлоқ хўжалиғи соҳасида тўплаган билим ва тажрибалари билан вилоят ва туман раҳбарларига, фермер ва деҳқон хўжалиқларига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Биз, у киши билан ишлаганлар, Абдулҳамид аканинг ноёб қадратлари – ниҳоят одамларда ишчанлиги, кадрларни қадрлаш, одамларга меҳрибонлиги, қийинчиликларга бардошлилиги, қалби поклиги, мардлигини бот-бот эслаймиз. Мен шундай ажойиб инсон билан ишлаганимдан фахрланаман.

М.ТОИРОВ,
меҳнат фахрийси.



**Юртимиз равнақига
ҳисса қўшаётган, эл
дастурхонининг
тўкинлигини
таъминлаётган
фермерларимизни,
қишлоқ хўжалиги
ходимларини
Мустақилликнинг
28 йиллиги билан самимий
қутлаймиз.
Эзгу ниятларингиз
рўёбга чиқсин, бахту
саодат, қувончли кунлар
доимий ҳамроҳингиз
бўлсин!**

Урганч «Агропилла» МЧЖ

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Аброр ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2019 йил,
№9. Сентябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи	1
Мукофот муборак!	3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори	
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	4
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори	
Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	8
Р.СИДДИҚОВ. Ғаллакор ишга киришди	10
Ф.ТЕШАЕВ, Ш.АБДУЛЛИМОВ, Ф.ҲАСАНОВА, У.АБДУРАХМАНОВ.	
Пахта теримига тайёرمىсиз?	12
М. ТОШБОЛТАЕВ. Машина теримида юқори иш унумини таъминлаш	15
РАБДУЛЛАЕВ, Ҳ.АБДУЛЛАЕВА. Энди навбат сариштага	16
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ, М.ХОЛДОРОВ. Сабзавот ва картошкани касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва ҳосил йиғиб олиш	19
Дала кўрки меҳнат билан	20
Ш.НОРМУРОДОВ. Зарбдор онларнинг залворли дамлари	22
Х.КАРИМОВ. Тоза сув танга даво	26
Бугунги амал – келгуси ҳосилга тамал	27
Кўнгилларда фахр, ифтихор!	28
Ш.ЖАББАРОВА. Дехқонга мадакор мироблар	29
Мелиорация тадбирлари – юқори ҳосилдорлик гарови	30
Р.ТОЖАЛИЕВА. Яхши ниятлар ижобати	32
Орденли экскаваторчи	33
Р.ЮСУПОВА. Интилганга толе ёр	33
Р.ҚОЗОҚОВ. Ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда	35
Н.ДЖАЛИЛОВ, Ш.ГАНИЕВ, Ш.ДЕХКОНОВА. Олмани қуритиш технологияси	36
Ф.ТУРДИЕВА, Н.ЗАЙЛОБИДИНОВ, Ж.АЛИЖОНОВ. Қиш тадориғи	38
У.КАЮМОВ, В.АВТОНОМОВ, А.АШИРКУЛОВ, Ш.АМАНТУРДИЕВ.	
Роль изменчивости в создании гибридов F_1-F_2 с высоким значением числа открытых коробочек на растении	39
Ф.ТЕШАЕВ, М.УБАЙДУЛЛАЕВ. Янги энто-дефол ва фандеф-агло дефолиантларининг ўрта толали С-8290 ва С-6775 ғўзаларини сунъий баргсизлантиришдаги самарадорлиги	41
М.ХАМИДОВ, У.ЖЎРАЕВ, Р.БЕРДИЕВ. Зовур сувлари билан сўғоришнинг экинлар ҳосилдорлигига таъсири	42
Ч.РИЗАЕВ. Башоратлар рўёби	44
М.ТОИРОВ. Матонат	46

ЭЪЛОН!

Кейинги вақтда олимлар, докторантлар, тадқиқотчи ва мустақил изланувчилар томонидан таҳририятимизга “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” махсус сонини чоп этиш тўғрисида таклифлар билдирилмоқда.

Мазкур таклифларни инобатга олган ҳолда, “Инновацион ғоялар – амалиёт-га” рукин остида Конституция байрами арафасида “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналининг махсус сонини нашр қилишни режалаштирдик.

Шу муносабат билан илмий мақола чоп этириш истагида бўлган муаллифлардан тижорат асосида мақолалар қабул қилинади.

ТАҲРИРИЯТ.

Мурожаат учун телефон рақамлари: 71-249-13-54;
71-242-13-54.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjurnal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
qxjurnal@agro.uz

© «Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги»

Босмахонага топширилди: 2019 йил 31 август.
Босишга рухсат этилди: 2019 йил 2 сентябрь.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №32. Нусхаси 1600 дон.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА